1933 йилда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қошида республика тарихий ёдгорликларини сақлаш ва илмий ўрганиш комитети (Узкомстарис) ташкил этилиб, Я. Ғуломов шу комитетга илмий ходим, сўнг унинг илмий котиби қилиб ишга олинади. Узкомстарис меъморий ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш билан бир қаторда археологик ёдгорликларни ўрганишга катта эътибор беради, минтақавий археологик экспедициялар уюштиради. Я. Ғуломов 1933 йилда Термиз, 1934 йилда Зарафшон экспедициялари ишларида қатнашади. Айниқса, А. Ю. Яку-

бовский раҳбарлигидаги Зарафшон экспедицияси ишларида фаол қатнашиб, Қизилтепа, Шаҳри Вайрон, Абуमुслимтепа, Хазора, Добусия каби шаҳар харобаларини ва Бухоро воҳасини ўраб олган Кампир девор қолдиқларини ўрганишда салмоқли археологик тажриба орттиради.

Я. Ғуломов мустақил археологик тадқиқотларини илк бор 1936 йилда Хоразмда ҳаваскор археолог дўсти Турди Мирғиёзов билан биргаликда бошлайди. «Ўша 1936 йилнинг ёз кунларидан бирида Амударё қирғоқларида қадимги қалъаларни текшириб, қайиқда сузиб бораётган эдим, афғон шамоли туфайли дарё суви кўтарилиб, кучли тўлқин пайдо бўлди, деб ҳикоя қилган эди Я. Ғуломов. Дарёда сузиб бораётган қайиқ гоҳ кўтарилиб, гоҳ тўлқин тепасига миниб олар, сўнг тоғдан думалатилган харсанг тошдек пастга мункиб кетар, баъзан тўлқин зарбидан қайиқ гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга ёнбошлаб қолар, яна тўлқинга урилиб тикланарди... Тўлқин икки ёш қайиқчи йигитларни қайиқдан қоқиб, ўзи билан олиб кетди. Ҳайқириб оқаётган сув қайиқни тошли тик қирғоққа шиддат билан олиб бориб, қояга ўтказиб қўйди. Қирғоқдан кўзғалиш учун қўлимизда на эшкак, на таёқ бор эди. Фалокатни кўриб ўзини йўқотиб қўйган кекса дарға қайиқ ўртасида тиз чўккан ҳолда икки қўлини юқорига кўтариб, дарёда ғарқ бўлиб кетаётган қайиқчилардан кўзини узолмай, жон ҳолатда ҳа деб: «Хубби, хубби, ё хубби! Ўзинг мадад бер!» -- деб такрорларди. Кекса қайиқчининг баланд овозда дарёни тинчлатишга ундаши ва ҳалокатдан қутқаришни сўраган ёлвориш пидоси мендаги кўрқинчини йўқотган эди. Мен дарғага боқиб ва унинг оғзидан чиқаётган «хубби» сўзини эшитиб хайратда эдим. Чунки бу сўз ислом динигача қадимги Турон ва Эронда кенг тарқалган зардуштийлик динининг сув худоси «хубби» ва унга илтижо қилиб, ундан мадад сўрашнинг ўзгинаси, фан учун қимматли этнографик маълумот эди». Бошга хавф-хатар тушган оғир дамларда ҳам фан тўғрисида ўйлаш аввало, бу фидойилик, қолаверса, жасорат эди.

Я. Ғуломов илк бор мустақил равишда қадимги Хоразм воҳасининг Пилқалъа, Норинжон, Гулдурсин каби ёдгорликларни ўрганар экан, уларни бунёд этган аждодлар хўжалигининг асосида суғорма дехқончилик маданияти ётганлигини, шунингдек, қадимги Хоразм тарихини ўрганишда унинг хўжалик асоси бўлган суғориш тарихи, унинг келиб чиқиш илдизлари ва ривожланиш босқичларини ўрганиш тарих ва археологиянинг долзарб муаммоси эканлигига тушуниб етади. Экспедициянинг дастлабки илмий натижалари Я. Ғуломов ижодий ҳаётида кескин бурилиш ясайди. У археолог бўлиш осон кечмаслигини, аммо, бу фан билан чиндан шуғулланмоқчи бўлганлар, изланишлар жараёнида учрай-

диган ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлади. Бу ҳақда у ўзининг дала кундаликларида қуйидагиларни ёзади «1937 йил. Саратон ҳам охирлаб қолганди. Бир кун аввал кечда қайд этилган қадимги магистрал канал изларини харитага тушириш мақсадида эрталаб Норинжондаги лагердан ёлғиз чиқиб, каналнинг қуруқ ўзани бўйлаб учраган археологик материалларга қизиқиб, лагердан 10-12 км шимолда жойлашган Қумқалъа харобасига етиб борганимни билмай қолибман. Йўл-йўлакай учраган топилмалар билан елкамдаги рюкзак тўлиб оғирлашиб бормоқда эди. Аммо, шимолга йўналган канал қуруқ ўзанининг поёни кўринмасди. Йўл учун на емак, на сув олинган. Тушки овқат қилиш учун лагерга қайтишга тўғри келди. Бу қадимги воҳани атрофлича кузатиш мақсадида қайтишда маршрутни бир оз ўзгартиришга қарор қилдим. Куннинг жазирама иссиғиданми ёки қаттиқ чанқаганимданми бошим айланиб, Норинжондан шимоли-шарқда жойлашган Тешикқалъа томон бориб қолибман. Жазирамада қумлар ичида юравериб сувсираганимдан оғзим қуриб, тилим танглайимга ёпишиб қолгандай эди. Шу пайт узокда бир қора уй кўринди. Мен уйга қараб йўл олдим, қани ета олсам. Кеч пешинда оёқларимни зўрға судраб қора уйга етиб бордим, унинг керагаси остига йикилдим. Ўша пайт қора уйдан узун бўйли туркман бобо чиқди. Кўзимни очиб сув дедим. Бобо сув ичади, ўлади, сув ичади, ўлади, деган сўзларни қайта-қайта айтиб, уйга кириб ғойиб бўлди. Билмадим, орадан қанча вақт ўтди. Кун қайтиб кеч кириб қолган экан, туркман бобо сопол товоқда туя сутидан тайёрланган айронни олиб келиб, бошимни бир қўли билан кўтариб туриб, айронни ичириб қўйди. Бир оздан кейин ўзимга келдим.

Ўша кеча туркман бобо билан суҳбатимиз чортанг бўлди. Суҳбатда туркман бобо одатда даштга от-уловсиз, емак ва сувсиз ёлғиз чиқиш мумкин эмаслигини уқтирди. Мабодо, чўлда сувсиз қолишга тўғри келса, кун қизиғида йўл юрмай, балки оғиз-бурунни ўраб бир бутани тагида ёнбошлаб дам олиб, кеч киришини кутиш керак. Тунда мўлжални етти қароқчи ёки тарозу юлдузларидан бирини мўлжалга олиб, қўноққа томон йўл олинади. Иссиқда юриб зўриққан киши агар сув ичса, унинг ўпкаси шишиб кўкрагига ёпишиб қолиб, халок бўлиши мумкин. Айронни тана обдон совигандан сўнг бирданига симириб эмас, балки дам олиб кичик ютим билан ичилади». Бу изланишлар ўлкамиз археологияси соҳасида Я. Фуломов ташлаган дастлабки мустақил қадамлар эди.

1937 йил кузида СССР Фанлар академияси қошида С. П. Толстов ташаббуси ва раҳбарлигида Хоразм археологик экспедицияси ташкил эти-

лади. Бу экспедицияга Ўзбекистон фанлар комитетидан Я. Ғуломов жалб этилди. Экспедиция ўз ишини VII-VIII асрларга тегишли Тешикқалъада бошлади. Я. Ғуломов Тешикқалъа қазилмаларида фаол иштирок этиш билан бирга, қалъа атрофида олиб борилган қидирув ишларида ҳам қатнашишга улгурарди. У қадимги кўл ва сой ёкаларидаги қумлар устида сочилиб ётган тош қуроллари, жез ва мис ҳамда темир қуроллари кўрғанда, қадимги Хоразмнинг ўтмиши турли давр моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бой эканлигини кўриб, бу ўлка қадимияти билан шуғулланишга қаттиқ бел боғлайди. Дўсти С. П. Толстов билан маслаҳатлашиб, истиқболдаги илмий тадқиқот йўналишини белгилайди. Бу Хоразмнинг суғорилиш тарихи эди.

Я. Ғуломов «Узкомстарис» ходими сифатида ишлаб юрган кезларида Хива шаҳри меъморчилик санъати бўйича, 60 дан ортиқ Хива меъморий обидаларининг номлари ва қурилган йиллари, уларнинг ҳар биридаги ҳужраларнинг сони ва вазифасига, уларга ажратилган вақф ерларининг миқдорига ёзма манбалар асосида аниқликлар киритиб, қатта илмий тадқиқотлар олиб борган. Ана шу илмий изланишларнинг натижаси сифатида 1941 йилда Я. Ғуломовнинг «Хива шаҳри обидалари» номли илмий асари чоп этилади.

Иккинчи жаҳон урушининг Москва ва Ленинград остоналарида жанглар қизиб турган давларда Тошкентга эвакуация қилинган бир гуруҳ олимлар орасида ўша давр ижтимоий гуманитар фанларининг дарғалари Б. Д. Греков, В. В. Струве, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер, С. П. Толстов каби олимлар бўлган. Ўша кезлардаёқ ўзбек археологи сифатида эл эътиборига тушган Я. Ғуломов улар билан илмий ва ташкилий масалаларда боғланган эди. Устозни «Хива шаҳри обидалари» номли илмий асари билан таниш бўлган Марказ олимлари ушбу асарни номзодлик диссертацияси сифатида ҳимояга тавсия этиш мумкинлигини маслаҳат берадилар. Ниҳоят, биринчи ўзбек археологи сифатида 1943 йилда Я. Ғуломов «Хива ва унинг обидалари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Устозни тарих фанлари номзоди илмий даражаси соҳиби бўлиши, уни фанда янада қатта изланишлар қилишга йўллади. Энди, устознинг бутун фикр-ёди олдиндан режалаштирган Хоразмнинг суғорилиш тарихи устида изланишлар олиб боришга қаратилган эди.

1943 йил ноябр ойида Тошкентда Республика Фанлар академияси ташкил этилади. Олимлар олдига Ўзбекистонда ҳам ҳар соҳада фундаментал фан билан шуғулланиш масаласи кўйилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида академиклардан Б. Д. Греков ва В. В. Струве кўп

жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратиш ташаббускорлари бўлиб чиқадилар. Бу ишга Марказдан келган йирик олимлар билан бирга маҳаллий тарихчилардан А. А. Семёнов, Я. Ғуломов, В. А. Шишкин, Р. Набиевлар жалб этилади. Ишни яратиш билан боғлиқ илмий-ташкिलий ишлар ёш археолог олим Я. Ғуломовга топширилади. Кўп жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» ёзилиб якунига етмай, уруш тугагач асар муаллифларининг асосини ташкил этган Марказ олимлари келган жойларига қайтадилар. Республика ҳукумати Я. Ғуломов зиммасидан унга юклатилган масъулиятни олмайди, аксинча, тегишли шароитлар яратилиб, иш якунини талаб қиладилар. Масала моҳиятини тўғри тушунган Марказ олимлари Я. Ғуломовни расман СССР ФА сининг Моддий маданият (археология) институтининг докторанти қилиб ҳужжатлаштиргач, улар билан расман боғланган Я. Ғуломов, энди ушбу икки томлик асар якун топиб, чоп этилгунга қадар Тошкент-Москва-Ленинград (Санкт-Петербург) оралиғида қатнаб, муаллифлар билан бевосита доимий алоқада бўлади, асарнинг ҳар бир тайёр бўлган боблари муҳокамасида фаол иштирок этади, дўсти С. П. Толстов билан келишган ҳолда асарнинг у ёки бу боблари мазмуни ва мундарижаси, тарихий жараёнларни даврлаштириш масалалари ҳамда айрим атама ва номлар масаласида муаллифлар билан баҳслашади, айниқса, асарнинг биринчи жилдида илк бор баён этилаётган «ибтидоий жамоа», «қулдорлик тузуми» ва «илк феодализм» даврлари билан боғлиқ қатор масалалар олимлар орасида қизгин илмий баҳслар объекти бўлган эди. Устоз билан бўлган илмий суҳбатларга кўра, машҳур академиклардан И. А. Орбели ва В. В. Струвелар китоб таҳрирининг ҳамма масалалари устида қизгин мунозаралар ташкил қилишар, Я. Ғуломов эса бу мунозараларнинг барчасида фаол қатнашиб, ўз позициясини ҳимоя қилган.

Мана шу йўсинда Ўзбекистон тарихининг икки жилдлик дастлабки нашри 1950 йилда дунёга келди. Бу ёш тарихчи-археолог олим учун катта ҳаёт ва синов мактаби бўлган эди. Устозни айтишига қараганда, «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратилиш жараёнлари, айниқса, бир неча соатлаб давом этадиган йирик олимлар даврасидаги илмий баҳслар Я. Ғуломов учун катта илмий мактаб бўлган.

Шу давр ичида устоз яна бир улкан ишни якунлади. Урушдан кейинги йилларда Я. Ғуломов ҳар йили 6 ойлаб қадимги Хоразмда дала илмий изланишларини олиб борди, Хоразмнинг суғорилиш тарихига оид археологик, этнографик, фольклор, этногеографик, этнотопоним ва гидротопоним материалларини тўплаб, уларни илмий таҳлилдан ўтказди, қатор давлат архивларида ишлаб, мавзуга доир архив

хужжатларини кўришга муяссар бўлди, марказий кутубхоналарда тинимсиз илмий адабиётлар устида ишлаб, тўплаган барча материалларини илмий тизимга солиб, 1949 йилда «Хоразмнинг қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача суғорилиш тарихи» мавзуида докторлик диссертациясини якунлади ва уни 1950 йили ҳимоя қилиб, Тошкентга қайтади. Я. Фуломовнинг докторлик диссертацияси устоз томонидан китоб холига келтирилиб, 1957 ва 1959 йилларда рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Ушбу тадқиқот фундаментал илмий асосга эга бўлиб, у ўзбек тарихшунослигида янги илмий йўналиш ва илмий мактабга асос солган, энциклопедик маълумотларни мужассамлаштирган асар ҳисобланади.

Я. Фуломовнинг кўплаб илмий анжуманларда фаннинг турли соҳалари бўйича чиқишлари асосида ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, устоз фанда кўп қиррали, фундаментал энциклопедист олим бўлган.

Устоз ишга келганларида бир дақиқа бўш вақти бўлмас, доимо кимдир ўз илмий муаммоси билан устоз қабулида бўларди. Биз шогирдлари учун устоз хонадони доимо очиқ эди. Кўп ҳолларда устозни кимнингдир номзодлик ёки докторлик диссертациясини ўқиш билан банд бўлганини ёки бўлмаса, кимдир устоздан илмий асарига гақриз сўраб келиб турганининг гувоҳи бўлардик.

Ушбу мақола ўзбек халқи учун табаррук инсон, Ўзбекистон археологиясининг биринчи сардори, забардаст, бағрикенг зукко олим Я. Ғ. Фуломовнинг серкирра фаолиятига бир чизги холос.

Устоз Я. Фуломовнинг илмий фаолияти, яратган илмий мактаби, фандаги кўп қиррали ижоди тарихчиларнинг келажак авлодига намуна бўлиб хизмат қилади.

А. Аскарлов

О жизни и деятельности академика Я. Гулямова

В представленных воспоминаниях, посвященных выдающемуся исследователю и замечательному наставнику Я. Г. Гулямову, автор на основе примеров из личной жизни, а также воспоминаний коллег красочно воспроизводит процесс прихода в науку, преодоления трудностей и становления выдающегося специалиста в сфере археологии, а также его деятельность в воспитании целой плеяды специалистов по древней и средневековой истории Узбекистана.

A. Asqarov

The life and activity of academician Ya. Gulyamov

On these memories, which devoted to Y. G. Gulyamov, outstanding researcher and wonderful master, author on the basis of samples of own life and memories of colleagues called to mind the processes of his coming to science, getting over difficulties, becoming well known specialist on the archeology sphere, also Y. Gulyamov's activity for raising up many specialists by the ancient and middle ages periods of history.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи олдида

Г. Богомолов

**ГОРОДСКАЯ КУЛЬТУРА ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА
(античность и раннее средневековье)**

Прогрессивным и интегрирующим фактором в истории Ташкентского оазиса стало появление городов. Почву к процессам урбанизации подготовили поселения древнеземледельческой бургулюкской культуры (IX – IV вв. до н. э.) древних земледельцев оазиса, остатки которых находятся в нижних слоях целого ряда городских центров региона. Понятие «город», критерии наделения поселения городским статусом – один из остро дискуссионных вопросов в науке. В различных регионах мира города нередко приобретали специфические черты в силу тех или иных социальных или экономических причин, а значит, могли иметь различные размеры и плотность застройки и цифровые показатели численности жителей¹. Но при всех отличиях в подходах к изучению города общим стало понимание его как относительно крупного поселения, обычно укрепленного, и являющегося местным экономическим и культурным центром с определенной, тяготеющей к нему округой². Характерной чертой города считаются концентрация в нем ремесла и торговли, т. е. жителей, большинство которых занято в товарном производстве и ведет городской образ жизни³. По мнению археологов, важнейшим критерием, помимо следов ремесленного производства, является обязательное наличие крупных общественных сооружений.

Городская культура в силу своих торгово-экономических и культурных связей способствовала проникновению в традиционную культуру региона различных инноваций, переработке старых и созданию новых культурных достижений. Однако городская культура это не причина, а

¹ Так, например, на современном этапе решением ООН предложено относить к городам поселения, имеющие 20 тыс. жителей и более. В древности минимум населения городов составлял 5-6 тыс. человек, хотя верхний предел численности мог достигать нескольких сот тысяч жителей и даже больше. Так, население Рима в эпоху его расцвета (I – II вв. н. э.) исчислялось в 1,5-2 млн. чел. Для средневековых городов Востока критерием городского статуса считалась не численность жителей, а наличие мимбара – соборной мечети.

² Гуляев В. И. Города-государства майя. М.: Наука, 1979. С. 18.

³ Рабинович М. Г. Город и традиционная народная культура // СЭ. 1980. № 4. С. 16.

следствие образования городов. Как форма исторической действительности она достаточно емкая, включает и собственно организации (структуру) города, его архитектурный облик, типы общественных и жилых сооружений, строительные тенденции (материалы, приемы, стиль), и в более широком смысле социальный состав и организацию, материальную (бытовую) и духовную культуру, в том числе занятия, быт, письменность, искусство, игры, культы и обряды населения.

Изучение процессов урбанизации Средней Азии показывает, что вовлечение в них новых регионов происходило с юга на север, и в связи с этим выделяются два этапа – древневосточный (конец III – середина I тыс. до н. э.) и античный (IV в. до н. э. – IV в. н. э.)⁴. Именно с началом второго этапа связывают появление городских центров в Ташкентском оазисе.

Как показывают археологические исследования, древнейшим и крупнейшим городским центром оазиса было городище Канка, расположенное в Аккурганском районе в 70 км к юго-западу от Ташкента, на левом берегу некогда протекавшей здесь реки Ахангаран. Городище состоит из нескольких частей (арки, шахристана, рабада), традиционных для среднеазиатских городов, и охватывает площадь почти в 220 га. До сих пор на территории городища прослеживается уличная сеть.

Арк – цитадель городища имеет почти правильную четырехугольную форму. Особенностью городища является наличие трех шахристанов, каждый из которых окружен собственной крепостной стеной, что отражает один из этапов развития города, периоды спадов и процветания. Древнейшей частью города был шахристан I. Здесь самые ранние строительные горизонты (крепостная стена и землянки) датируются концом IV – II вв. до н. э. Причем в керамическом комплексе преобладает посуда, изготовленная профессионально, на гончарном круге.

Крепостная стена возведена по всем правилам античной военной традиции с башнями, бойницами и двухъярусной внутрискладчатой галереей. С внешней стороны основание стены укреплено выносной стеной-бермой, препятствовавшей подводу осадных и стенобитных машин противника. Кроме того, серьезным препятствием был широкий и глубокий ров вокруг шахристана I.

Пространство между домами и крепостной стеной нередко использовалось ремесленниками. Здесь изготавливали и обжигали посуду и обрабатывали металл. Необычным кажется на первый взгляд такое со-

⁴ М а с с о н В. М. Проблемы древнего города и археологические памятники Северной Бактрии // Древняя Бактрия. Л., 1974. С. 6-7.

четание капитально развитой крепостной фортификации, жилья в виде землянок и ремесленной керамики. Однако жилье в виде землянок известно и на поселениях грско-бактрийского времени (III – II вв. до н. э.) в Кашкадарье. Схожая ситуация – сочетание фортификации, землянок, профессиональной гончарной посуды – наблюдается в греческих городах Причерноморья в IV – II вв. до н. э. Примечательно замечание греческого географа Клавдия Птолемея (II в. н. э.), что саки, обитающие по Яксарту (Сырдарье), живут в пещерах⁵. Под последними он, видимо, подразумевал землянки.

Другие античные авторы, говоря о заречных саках, вскользь отмечали наличие оседлого населения. Так, Арриан пишет, что население, живущее за рекой, состоит из скифов (кочевников) и варваров (в терминологии греков – негреческое оседлое население). О том же пишет римский историк Квинт Курций Руф (I – II вв. н. э.), что во время борьбы Александра с саками скифы обитали севернее, а области, обращенные к Танаису (Сырдарье), не лишены культуры⁶, т. е. имеют города и селения. К III в. до н. э. относится сообщение об Антиохии Заяксартской, городе, который локализуется на месте городища Канка и связывается с походом селевкидского полководца Демодама в 293 г. до н. э. за Сырдарью, где он воздвиг алтари в честь Аполлона Дедимийского, и назвал город Антиохией в честь правителя Верхних (т. е. восточных) сатрапий Антиоха, сына Селевка и Апамы, дочери Спитамена. Возможно, следы этого прослеживаются в более позднем названии города – Харашкет – «город царской благодати» или «царский город».

В китайских источниках город на месте Канки фигурирует как Юни, центр одноименного малого (т. е. подчиненного) владения Кангюя. Впоследствии он же – столица самостоятельного владения Ши – Чача.

О возрастающей роли города свидетельствуют и археологические материалы. Так, в первые века н. э. значительно расширяющуюся территорию города опоясывает новая крепостная стена, охватывающая площадь почти в 150 га. Одновременно процесс урбанизации проникает вглубь оазиса, в долины рек Чирчика и Ахангарана. К античной эпохе здесь относятся почти 100 поселений, 13 из них – городские центры.

Позже, несмотря на бурные политические события, в связи с расширением экономической базы (увеличение пахотных земель за счет перехода к поливному земледелию, интенсивная эксплуатация природных

⁵ К л а в д и й П т о л е м е й . Географическое руководство // История Узбекистана в источниках / Составитель Лунин Б. В. Ташкент, 1984. С. 198.

⁶ К в и н т К у р ц и й Р у ф . История Александра Македонского // История Узбекистана в источниках... С. 126.

богатств – добычи железа, серебра, золота, бирюзы) количество городских центров раннего средневековья увеличивается вдвое. Некоторые из них, как и городище Канка, имеют правильную планировку. Но большая часть – аморфной планировки, зачастую повторяющей рельеф местности. Вероятно, в этом отразился генезис местной автохтонной культуры, постепенная трансформация земледельческо-скотоводческих поселений каунчинской культуры (II в. до н. э. – VI в. н. э.) в локальные городские центры. В 564 г. Чач вошел в состав Тюркского каганата, но до начала VII в. столицей Ташкентского оазиса оставалось городище Канка. Правитель города выпускал медные монеты с легендой «Владетель чачской страны такой-то». Известны имена некоторых правителей: Ванван – «победоносный», Шав – «черный», Язатпир, Каничур и др.⁷ Причем даже после неудавшейся попытки Чача обрести суверенитет разрушенный в 605 г. город сохранил свое экономическое и культурное значение. Видимо, следствием этих событий стал перенос столичного центра в Ташкент, на городище Мингурик. Однако город на месте городища Канка сохранился, хотя территория его сократилась до 45 га (но даже в этих пределах он превышал Мингурик). Более того, к VIII в. территория города вновь охватывала 150 га. Арабские географы X – XIII вв. называют Харашкет – Канку вторым по величине и экономическому значению городом Шаша.

Раскопки показывают развитие различных ремесел. Так, в пригороде городища Канка открыта мастерская по выделке кожи. Согласно письменным источникам, Чач славился искусством обработки кож, которые шли на изготовление щитов, седел, конской сбруи. Отсюда вывозились кожаные одежды и палатки. С переработкой продуктов животноводства и земледелия связаны ковроделие, прядильное и ткацкое ремесла. Многочисленные находки пряслиц и грузиков в домах горожан свидетельствуют о домашнем производстве, составлявшем успешную конкуренцию небольшим по количеству работников ткацким мастерским.

Обилием и многообразием отличалось изготавливаемое в Чаче оружие. В одном из погребений знатного воина под Букой I в. до н. э. был найден длинный всаднический меч из булатной стали. Далеко за пределами региона славились своими боевыми качествами (мощью и дальнобойностью) чачские луки.

Об интенсивной торговой деятельности свидетельствуют находки чачских монет в Согде (Пянджикент), Фергане (Кайрагач) и Южном Казахстане (Сидаката), а также привозные вещи и монеты из Египта, При-

⁷ Р т в л а д з е Э. В. История и нумизматика Чача. Ташкент, 2006.

черноморья, Китая и Византии. Показательно, что на одной из главных уличных магистралей, протянувшейся от городских ворот до рыночной площади, располагались не только лавки торговцев и мастерские, но и крупный (90×90 м) городской караван-сарай.

Важную роль играли города как центры религиозной и культурной жизни региона. Названия некоторых из них говорили о существовании храма божества (патрона местности). Например, Динбагинкат – небольшой городок около современного Янгиюля, где было святилище или храм божества Дин – «Веры».

Религиозные верования играли огромную роль в повседневной жизни горожан, что нашло отражение в материальной культуре.

В домах зажиточных горожан строились специальные культовые комнаты – домашние святилища. Они открыты на Канке, в Ташкенте на Мингурике и Актепа Юнусабадском и представляли собой небольшие квадратные помещения с суфами и алтарем в центре. Вход в помещение – в виде тамбура, чтобы скрыть святыни от постороннего взгляда. Одним из объектов почитания (ритуала) был огонь, устанавливавшийся на алтаре. Находки терок, зерен мака, кувшина и кружек указывают на приготовление здесь особого напитка, получаемого из сока травы и смешивавшегося с молоком. Известно, что для приготовления хаомы первоначально стебли эфедры толкли и растирали в каменной ступке, затем полученный сок процеживали и смешивали с гранатовым соком и молоком. Весь этот процесс являлся частью священнодействия, важной составляющей которого было превращение растительной массы в жертвенную субстанцию. Иногда на алтаре находят следы и других жертвоприношений – птичьи кости. Возможно, они совершались в честь умерших предков или божеств, ведавших плодородием (Сиявуш, Анахита). Так, в «Истории Бухары» ан-Наршахи говорится, что мужское население Бухары резало петухов в честь Сиявуша. Не исключено, что именно дух одного из предков изображала небольшая глиняная фигурка человека с алтарем перед ним, найденная в одном из таких домашних святилищ.

Городской храм был открыт в шахристане I Канки к юго-востоку от цитадели. Это было монументальное сооружение с квадратным залом, шириной более 14 м, суфами по периметру и входом с востока, напротив которого было устроено двухступенчатое возвышение со следами выстилания огня. Стены за ним оформлены лепниной в виде языков пламени, окрашенных в красный цвет. За возвышением располагалась небольшая комната, в которой постоянно горел священный огонь. Зал был охвачен обводным коридором шириной 3 м, стены которого были пок-

рыты росписью. Сохранилась нижняя часть изображения крупной (почти в человеческий рост) фигуры в халате и красных сапогах. Коридор имел сводчатое перекрытие. Верхушка почти семиметровых стен храма обрамлялась кладкой из жженого кирпича и зубцами. Это первый случай применения жженого кирпича в Чаче, который даже изготавливался как керамика на песчаной подсыпке и с ангобным покрытием. Большинство кирпичей маркировано тамгообразными знаками (более 40 типов).

Основные религиозные церемонии проходили в культовом зале, где выставлялся священный огонь, и устраивались кострища с мелкими жертвоприношениями: зернами пшеницы, гороха, хлопка, проса, косточек персика и фисташки. Помимо того, в кострище бросали мелкие украшения, наконечники стрел, сурьматаши и точила.

В VI в. в результате мощного землетрясения храм был разрушен, но уже вскоре восстановлен немного восточнее. Однако это сооружение уже не столь монументально, построено в спешке, его стены не были такими толстыми и планировка была иной. В отличие от первого храма он возведен на почти двухметровом стилобате. Комплекс состоял из обширного двора и небольшого, почти квадратного здания с двумя большими помещениями для религиозных церемоний и короткого коридора-вестибюля с севера. Одно из помещений несло ярко выраженные следы культа огня. Здесь было расчищено прямоугольное возвышение со следами выставления огня и кострищами с тем же, что и ранее, набором приношений. Наиболее интересны из находок буллы – комки глины овальной формы, внутри которых спрятаны узлы шнуров, завязанных вокруг или мешочка с деньгами, свертка с товарами, или документа (договора или письма). На их лицевой стороне – оттиск печати отправителя или официального лица. Вдоль стен стояли крупные и мелкие сосуды. Здесь же обнаружены остатки тканей и панцирные пластины воинских доспехов. Видимо, стены были драпированы тканями, поверх которых развешивались доспехи (трофеи, преподнесенные в дар храму).

Во втором помещении не было специального возвышения. По периметру сохранились следы циновок, а в центре расчищены остатки двух лошадей (взрослой особи и жеребенка), лежавших на жердях. Характер расположения находок показывает, что ритуальные действия были прерваны внезапно. Во дворе найдены погибший воин и убитый верблюд. Комплекс погиб в результате каких-то военных столкновений и последовавшего за ним пожара в самом начале VII в.

Прямое соответствие обнаруженным храмам дает отрывок из «Истории северных дворов» («Хроника Бэйшу»), где говорится: «Во

владении Ши по юго-восточную сторону резиденции (владельца) есть здание, посреди которого поставлено сидалище (т. е. *возвышенное место*). В шестое число первой луны поставляют на этом престоле золотую урну с пеплом сожженных костей покойных родителей владельца, потом обходят кругом престол, рассыпая пахучие цветы и разные плоды. Владелец с вельможами поставляют жертвенное (мясо). По окончании обряда владелец с супругой отходит в особливую ставку. Вельможи и прочие по порядку садятся и по окончании стола расходятся»⁸. Вероятно, описанные действия связаны с поминальным культом, где ритуал, посвященный духам предков, мог предшествовать встрече Навруза. В истории династии Суй есть упоминание, что какое-то празднество в этом храме проводилось в 15-й день седьмой луны. Трудно сказать, какое это было число в пересчете на местный календарь. Но, вероятней всего, речь идет о празднике урожая, совпадавшем с «Днем Дадвы», посвящавшимся Ахура Мазде, как творцу всего сущего. Этот праздник приходился на конец августа – середину сентября. На это указывает и характер приношений в храме.

Интересно, что на буллах выделяется ряд оттисков с изображением погрудного портрета каких-то знатных лиц в окружении согдийских надписей. На изображениях одного типа правитель в короне, а надпись гласит: «Принадлежащий (к чачскому) народу государь» (*чтение В. А. Ливинца*)⁹, т. е. это печать государя Чача. На других – вокруг портрета надпись «Спасак Санак Каватанак» – «Епископ Санак сын Кавата», причем «аспасак» – второй по рангу титул в иерархии манихейской церкви. Это единственное письменное подтверждение пребывания главы манихейской церкви в Средней Азии, хотя ничего относящегося к манихейскому культу в храме не обнаружено. Не исключено, что достаточно большая группа булл с именем этого священнослужителя указывает на его тесные связи со жрецами храма (может, он официально заверял какие-то договора, например аренды, или это остатки его делового архива, хранившегося в храме).

⁸ Б и ч у р и н Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии с древнейших времен. М.; Л., 1950. Т. II. С. 272. Интересно, что в средневековых источниках упоминается Канка – капище идолов в Туркестане и название города. Указывается также, что это павильон, который построил Кей Кавус, а некоторые называют капище. См.: Очерки истории и культуры средневекового Ирана. М., 1954. С. 222.

⁹ Л и в ш и ц В. А. Согдиец Санак, манихейский епископ V – начала VI в. // Верования и культы домусульманской Средней Азии. Тезисы конференции. М.: Государственный музей Востока, 1997. С. 32.

С культом плодородия связан целый ряд символов на керамике. С первых веков н. э. среди ташкентской (каунчинской) керамики распространяются сосуды с зооморфными ручками в виде волка, гиены, змеи, но чаще всего барана, который символизировал божество Фарна, дарителя богатства и благосостояния. К V – VI вв. зооморфный образ замещается его частью, символическим налепным изображением рогов. Другим характерным элементом быта ташкентского населения были очажные подставки – парные кирпичи, оформленные в виде рогатой головы быка или барана. Иногда на бычьих подставках делались даже специальные углубления, в которых сохранились следы коפותи. Видимо, хозяин или хозяйка время от времени наливали в углубление жир и поджигали его, чтобы дымом и молитвой накормить духов очага. Известно, что бык был символом Митры, в ведении которого тоже находилось плодородие, обилие скота и потомства. Другим его символом был конь. Лошадь была ипостасью не только Митры, но и других божеств – Веретрагны и Тиштрии¹⁰. С Канки происходит изображение лошади, процарапанное на стенке сосуда VI – VII вв. Не исключено, что это часть мифологической сцены – борьбы Тиштрии в виде коня светлой масти против злобного черного коня – ипостаси демона засухи Апаоши. Фигурки коней (каменная – из Кадовадтепа, терракотовые – из Ташкента и Канки) использовались не только как детские игрушки, но и в культовых целях. Отдельный пласт составляют терракотовые фигурки и плитки-образки. Они изображали местных божеств, богинь плодородия, воинов, музыкантов, или диморфных существ (например, таких, как Гопатшах – получеловек-полубык). Нередко в качестве магических оберегов использовались знаки, наносившиеся на сосуды, на керамические, каменные и медные печати. На медной печати с Кендыктепа на одной стороне изображен олень, на другой – козел. С культом плодородия связан и ряд сосудов для культовых возлияний, которым придавалась особая форма. Таковы сосуды в виде ежа или поливной привозной сосуд-ритон в виде быка (Ташкент). Иногда этим сосудам придавали форму женской груди (Кавардан).

С анимическими верованиями и представлениями о загробном существовании и будущем бессмертии связана погребальная обрядность. Важнейшим достижением городской культуры стало появление письменности. Она возникла на базе согдийского письма на арамейской основе. Пока наиболее ранние образцы письменности дают чачские монеты. Время появления раннечачского чекана – предмет дискуссии исследо-

¹⁰ Веретрагна – бог войны и победы, Тиштрия – божество дождя и персонификация звезды Сириус.

вателей. Но уже сейчас появились данные, что начало чекана следует относить либо к I в. до н. э. – I в. н. э., либо к I – II вв. н. э.¹¹ Первой половиной III в. н. э. датируются надписи на керамических плитках из Культобе в дельте Арыси. Одна из них гласит: «Этот город был построен полководцем Чача, сыном... Он пришел туда, чтобы землю и народ отделить от кочевников с господином (правителем) Самарканда, господином Киша, господином Нахшаба и господином Навакстана в согласии, и он взял все сокровища и отделил землю под свою власть»¹².

С городища Канка происходит донце сосуда, на поверхности которого тушью нанесена согдийская надпись. С территории Ташкента происходит одноручный кувшин с выполненной черной тушью развитым курсивом согдийской надписью VII в., вероятно, благопожелание.

Вторая разновидность письма, имевшая хождение в Чаче, – древнетюркское руническое письмо. Пока эти находки крайне малочисленны, но свидетельствуют, что Чач был одним из регионов, где происходило сложение этой письменности. V – VI веками датируется фрагмент сосуда с Канки, под ручкой которого процарапана надпись «чач». Известна случайная находка кружечки VI – VII вв., под ручкой которой также была процарапана руническая надпись.

Все это свидетельствует о высоком уровне культуры и грамотности населения Ташкентского оазиса.

Г. Богомолов

Тошкент воҳасининг шаҳар маданияти (антик ва илк ўрта асрлар)

Мақола Ўзбекистоннинг йирик тарихий маданий ҳудудларидан бири бўлган Тошкент воҳаси – Чочнинг шаҳар марказлари маданияти тарихини ўрганишнинг сўнгги натижаларига бағишланган. Мақолада шаҳар марказларининг ташкил топиши, жамоат қурилишлари типлари, моддий ва маънавий маданият, шунингдек, аҳоли машғулоти, ёзуви ва эътиқодлари масалалари ёритилган.

¹¹ Мусакаева А. А. Монеты Чача // Материалы научной конференции «Чач – Бинкат – Ташкент». Ташкент, 2007. С. 23, 25.

¹² Sims-Williams N., Grenet Fr / The Sogdian Inscriptions of Kultobe // SHIGIS. 2006. № 1. С. 102.

G. Bogomolov

Urban culture of Chach – Tashkent oasis (antiquity and early Middle Ages)

This article is dedicated to the latest results in the research of culture of Tashkent oasis's towns, which was one of the largest historical-cultural regions of Uzbekistan. There are considered such questions like appearance and development of the towns, their organization, the types of public buildings, material and spiritual culture including trade, handicrafts, writing system, cults of town-dwellers.

С. Давлатова

ТОШКЕНТ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИДАН (XIX – XX асрлар)

Тошкент узок тарихий даврларданок Туркистон заминининг снёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган фан ва маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган.

Илк ўрта асрларда шаҳар цивилизацияси йирик марказлари – Самарқанд, Бухоро, Жанубий Суғд шаҳарлари билан бирга Чочда ҳам сопол хунармандчилик, шишасозлик, бадний металл ва тўқимачилик жуда ривожланган¹. Буюк ипак йўлининг ривожланиши шаҳарлар аҳамиятини ўсишига, савдо-сотик ва хунармандчиликнинг гуркирашига, шунингдек, дунёвий маданиятнинг таркиб топишига олиб келди. Буни биз Эрон, Ҳиндистон, Византия, Хитой ва даштли Шарқ усталарнинг хунар усуллари ўртасидаги алоқаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентнинг Шоштепа ёдгорликларидан топилган археологик маълумотларга кўра (Шоштепа I, II, III мил. ав. VI – I асрлар) бу ерда уй хунармандчилигининг тараққий этган турларидан тўқимачилик, жез ва темир металлургияси, суяқдан ва тошдан меҳнат куроллари ясаш яхши йўлга кўйилган эди. Айниқса, идишларда сакланиб қолган мато излари ва қолдиқлари бу ерда юпқа, қалин ва дағал матолар тўқилганлигидан ҳам дарак беради². Шунингдек, Шошда жундан,

¹ Илк ўрта асрлар: қалъа ва саройлар маданияти // San'at. 1999. № 4. 14-бет.

² У истоков древней культуры Ташкента. Ташкент: Фан, 1982. С. 122.

кунжут толасидан нафис ва дағал матолар тўқилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди³.

Тошкент худудида илк ўрта асрлар даврига оид бўлган Мадинаи Шош шаҳристони Тошкентнинг замонавий бинолари остида қолиб кетган бўлса-да, VII – VIII асрга оид сарой қолдиқлари тадқиқ этилган. Унда уй, яшаш хоналари, ошхона, омборлардан ташқари, хунармандчилик ишлаб чиқариш излари, яъни металлни дастлабки қайта ишлаш, металлдан меҳнат куроллари ясаш, қимматбаҳо буюмлар тайёрлаш, даштлардан келтириладиган чорвачилик маҳсулотлари – тери, жунни қайта ишлаш, пахта-жун газламалар, сопол ва шиша буюмлар ясаш, ярим қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш билан машғул бўлганлигини кўришимиз мумкин⁴. Шунингдек, Тошкентнинг энг қадимги даврларига оид маълумотлар кам бўлишига қарамадан, VI – VII асрларда йирик хунармандчилик шаҳарларидан бири бўлган. VII – VIII асрларда Чочда хунармандчилик энг ривожланган бўлиб, асосий шаҳар аҳлини савдогарлар ташкил этган (савдогарлар сони жиҳатдан Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда бўлган)⁵.

Чоч хунармандлари қадимдан металлдан меҳнат куроллари, яроғ-аслаҳа, зеб-зийнат ва рўзғор буюмлари ясашган, кўнчилик билан шуғулланишган, пахта ва жундан матолар тўқишган, сопол ва шиша идишлар, заргарлик буюмлари ясаб, ички ва ташқи савдони таъминлашган. Шу боис ҳам асосий карвон йўли, хусусан, Буюк ипак йўли уни пойтахт бўлишига имкон беради. Шаҳар қизғин савдо-сотик маркази ҳам ҳисобланган. Ғарбда Византиядан тортиб, шарқда Хитойгача бўлган худудларини тангалари Тошкент худудидан топилиши ҳам фикримиз далилидир.

Сўнгги ўрта асрларнинг йирик сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий марказларига, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Термиз, Қарши, Қўқон ва Тошкентни киритиш мумкин. Тошкентда бўз ва қарбосдан ташқари

³ Қаранг: Ф и л а н о в и ч М. И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1980; М а л л и ц к и й Н. Г. Ташкент маҳалла ва мавзелари. Тошкент, 1996; М у к м и н о в а Р. Г., Ф и л а н о в и ч М. И. Ташкент на перекрестке истории. Ташкент, 2001; S c h u y l e r E. Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. Vol. 1 / This edition in 2004 (First publication in 1870). New Dehli, 2004; А л и м о в а Д. А., Ф и л а н о в и ч М. И. Тошкент тарихи (қадимги давлатлардан бугунги кунгача). Тошкент, 2007. 7-бет.

⁴ А л и м о в а Д. А., Ф и л а н о в и ч М. И. Ўша асар. 22-бет.

⁵ Ю с у п о в Э. Ю. Ташкент: древний и современный. Ташкент: Фан, 1983. С. 5.

занданачи, митқол, кумоч, дока каби матолар ҳам тўқилиб, қўшни давлатларга олиб бориб сотилган⁶.

Ўрта Осиё шаҳарларида ип-газлама кўплаб тўкиб чиқарилган бўлиб, улар ичида бўз асосий ўрин эгаллаган. Тошкентда эса бўзнинг «қўк бўз», «оддий бўз» каби хиллари тўкилган⁷. Қолаверса, Тошкент бўзга гул босишнинг йирик маркази ҳисобланиб, Қўқон ва Қашқардан Тошкентга жуда катта миқдорда оқ бўз келтирилиб, улар гул босувчи «читгарларга» топширилар эди. Матога гул босувчи читгарлар ўсимликлардан олинандиган маҳаллий бўёқлар – бузғунж, тухмак, сафсар ранг, мош ранг, рўян ва бошқалардан фойдаланганлар. Читнинг бундай тури «Выбойка» номи билан бошқа давлатларда ҳам машҳур бўлган.

Заргарлик санъатида ҳам бир-бирига ўхшамайдиган уч мактаб – Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва учинчи мактаб Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда ривож топган бўлиб, унда ўзига хос халқ йўналишлари ёрқин намоён бўлади.

Тошкент ўзининг маҳаллий заргар усталарининг ишлари билан анча машҳур бўлган. Айниқса, кумушдан заргарлик буюмлари ясовчи 70 га яқин устахоналар бўлган. Кумушдан ясалган сирға, узук, билакузуклар нафакат маҳаллий аёллар ўртасида, балки Кавказ ва чет давлатларда ҳам машҳур бўлган. Тошкент заргарлари кумушдан ташқари, шиша (турли рангдаги формалари), маржонлар (кораллы, Тошкентга Қашқардан келтирилган), Москвадан келтирилган мунчок-фирюзалар, танакор, хитой-шиша каби заргарлик маҳсулотларидан фойдаланганлар⁸. Тошкент заргарларининг сирғалари (Тошкент зирак, Самарқанд зирак, нўғай зирак (татарча сирға), қозоқ зираклари), сочпопуклари, баргаклари (тиллакош тури), туморлари, бурун-булокилари, билакузуклари, паранжи тугмалари жуда машҳур бўлиб, доим кўплаб ички ва ташқи харидорларни ўзига жалб қилган.

Чор Россияси боқинидан кейин Тошкентдан Россия, хусусан, Сибирга ўзбек матолари, кийим-кечаклари жўнатилади. Шу тарика Россия – Тошкент ўртасида савдо алоқалари ривожланиб кетган эди. Ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-сотик эски усулда, яъни товар айирбошлаш йўли билан олиб борилган.

XVIII асрнинг 80-йилларида Тошкентдан Сибирга турли газламалар, парда, пахта ва ипак тўқималаридан тикилган тайёр кийимлар, йигирилган ип, қуритилган ҳар хил мева (майиз ва ўрик), тамаки ва бошқа товар-

⁶ А г з а м о в а Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 17-бет.

⁷ Г е й н с А. Х. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. СПб., 1898. С. 522.

⁸ Г е й е р И., Н а з а р о в И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Ташкент, 1903. С. 11.

лар олиб келинган (бу товарлар Сибирь маъмуриятининг рус ҳукуматига юборган маълумотларида «Тошкент моллари» деб ағалган). Тошкентликлар Сибирь шаҳарларига етгунча ўз товарларининг бир қисмини йўлда қозок молларига айирбошлаб, Сибирга чорва моллари (от, қўй ва қорамол), жун, тери, турли мўйна (бўри, куён, тулки терилари), теридан тикилган турли кийимлар (пўстинлар) келтириб, рус товарларига айирбошлаганлар. Россиядан эса турли рус ва чет эл (кўпроқ немис) мовути, ҳар хил мўйна, газмол, чарм, темир, мис ва чўяндан қилинган турли рўзгор идишлари, ойна (кўзгу), маржон ва бошқа товарларни олиб келганлар. Бу вақтда Россиядан чет мамлакатларга темир, мис, чўян, Россия тангаси, милтиқ дориси (порох) ва қурол-аслаҳа чиқариш қатъий ман этилган эди. Шунга қарамадан, тошкентликлар бу товарларни яширин равишда Россиядан олиб кетиб турганлар⁹.

1809 йилда Тошкент беклигини Қўқон хонлигига бўйсундирилиши хонлик салоҳиятини кучайишига олиб келди. Тошкент Қўқон хонлиги тасарруфида бўлганида хунармандчиликнинг тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, дегрезлик, темирчилик, кўнчилик, косибчилик, кулолчилик ва бошқа турлари ривожланган эди.

XIX асрнинг бошидаёқ Қўқон хонлигининг Тошкент шаҳри Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо-сотик маркази бўлишлиги билан биргаликда хунармандчиликнинг ҳам кенг ривожланган маркази эди. Ю. А. Соколов ёзишича, Тошкентда эгарчилик, этикдўзлик, тақачилик, заргарлик ва бошқа хунармандчилик турлари ривожланган эди. Кейинроқ Тошкентда хунармандчиликнинг санъат буюмлари ишлаш ҳамда қоғоз саноати юзага келади¹⁰.

Рус элчиларининг маълумотларига қараганда, тошкентлик хунармандлар металлдан турли хилдаги уй-рўзгор буюмларини қўйишни яхши ўзлаштириб олганлар. Бундай молларга Тошкентнинг ўзида Қозогистонда ва хонлик шаҳарларида талаб катта эди. Тошкентликлар металлни Россиядан олиб келиш билан биргаликда, хонликка қарашли жойлардан ҳам қазиб олганлар. Чунки, улар темир рудасини Олой тизмаси этакларидан, кўрғошинни Қаротаудан қазиб чиқарганлар. Қазиб олинган рудаларни туя ва эшакларга ортиб, сув ёқасига ташиб келтирганлар.

Ҳайвон терисидан чарм (кўн) тайёрлаш хунармандчиликнинг қадимий турларидан бири бўлган. Тошкентда бутун бошли кўнчилик маҳал-

⁹ Ҳ о ж и е в Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. Тошкент: Фан, 1973. 33-бет.

¹⁰ Соколов Ю. А. Ташкент, ташкентцы и Россия. Ташкент: Узбекистан, 1968. С. 115-117; Қаранг: Н а б и е в Р. Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. Ташкент: Фан, 1966. С. 48.

лалари бўлган. Бунда терини ошлаш технологияси деярли ўзгаришсиз қолиб, барча ишлар асосан қўлда бажарилган (аксар ҳолларда ҳозир ҳам шундай). Кейинчалик чор Россияси боскинидан кейин рус капиталлари ёрдамида Тошкентда кўн заводлари қурилиб, кўн саноатчилиги юзага келди. XIX асрнинг 60-йилларида Тошкентда 60 га яқин терини ошлаш ва тери ишлаб чиқариш дўконлари бўлган. Тошкент қосиблари томонидан тикилган этик, махси, кавушларга талаб катга бўлган. Шу сабабли шаҳар бозорларида 100 дан ортиқ дўконлар бўлиб, уларда сағри теридан кавушлар тикилган. Сағри тери тайёрлашга 32 кун вақт сарф бўлиб, 12 кунда тери ошланарди ва 20 кун бўяшга кетарди. XX аср бошларида барча аҳоли ўзларига яшил ранг сағридан маҳаллий хунармандлар ясайдиган кавушларга буюртма берганлар. Бу давр эса сағричиларнинг «олтин асри эди», деб қайд этилади¹¹. Сағри тери асосан эшак терисидан бўлиб, яшил баргга ўхшаш чармдир, у кемухт деб ҳам аталган. Бундан кўпроқ этик ва кавушлар тикилган.

1870 йилда Юнус Хўжа бошлиқ мустақил Тошкент беклиги ташкил топган бўлиб, унга Тўйтепа, Паркент, Чордара, Охангарон, Хумсон, Чимкент, Сайрам, Туркистон ва умуман, Сирдарёгача бўлган ерлар бўйсундирилган эди. Бу даврга келиб, Тошкентда деҳқончилик, хунармандчилик, ташқи савдо алоқалари ўсиб, ривожланиш йўлига ўтган эди.

Жумладан, Тошкент элчиларига рус императорининг Юнус Хўжа номига ёзилган ёрлиғи, канцлер А. А. Безбородконинг хати ва турли совғалар топширилганини кўришимиз мумкин. Юнус Хўжанинг рус императорига юборган 45 тўп ипак газламаси ва 10 жуфт қимматбаҳо мўйнаси эвазига ҳар бири 20 газ келадиган икки тўп қимматбаҳо газлама (парча), 12 газ кўк мовут ва олтин занжирли соат берилган. Муллажон Охун ва Аширмат Ботир мингбошига 12 газдан газлама (парча) ва 6 газдан кўк мовут совға қилинган. Муллажон Охун рус императорига шахсан ўз номидан қалам ва 3 қоғоз териси совға қилганлиги учун унга олтин соат ва олтин узук қўшимча тўғрисида этилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади¹².

XIX аср ўрталарида Тошкент Марказий Осиёда Россия билан савдо қилувчи энг йирик савдо марказига айланади. Кейинчалик 1905 йилда Оренбург – Тошкент темир йўли қурилиши ҳам фикримиз далилидир. Шундан кейин кўплаб саноат корхоналари пайдо бўлди. Туркистон ўлкасига темир йўлининг кириб келиши уни Россия саноатини арзон хом ашё билан таъминлайдиган манбага айланишига олиб келди. Чор маъ-

¹¹ Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте... С. 16-17.

¹² Зиёев Х. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. Тошкент, 2003. 56-бет.

муриятининг асосий мақсади ўлкада стратегик жиҳатдан ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва моддий бойликларни ташиб кетишдан иборат эди¹³.

Савдо карвонлари Тошкентдан Россияга 2 йўл билан: Троицк орқали Оренбург йўналиши ва Семипалатинск ва Петропавловск орқали Сибирь йўналиши билан олиб борилган. Ҳар йили Тошкентдан Троицк, Оренбург, Петропавловск ва Семипалатинска катта карвонлар 15-18 минг-тача туяда мевалар, дон маҳсулотлари, пахта, матолар, кийимлар, мол терилари, гилам ва бошқа товарлар олиб борилиб, у ердан темир, чўян, мис, пўлат, шакар, полотнолар олиб келинган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда 775 та тўқувчилик устахонаси, 89 та кўнчилик, 95 та бўёқчилик ва бошқа устахоналар мавжуд бўлган¹⁴. XX асрнинг 20-йилларида Тошкент нафақат ўзининг йирик иқтисодий марказлигини сақлаб қолди, аксинча, яна пойтахт бўлиб қад кўтарди¹⁵.

Биргина Кўкча даҳасининг ўзида 22 та ёғжувоз, 341 та кўнчилик, 77 та тўқувчилик, 7 та кулолчилик устахоналари жойлашган эди¹⁶. Шаҳарда махсус хунармандлар маҳаллалари, жумладан, Дероз маҳалласи бўлиб, бу ерда чўяндан буюмлар ясаш билан шуғулланганлар. Бу хунар соҳаси шу даражада кенг тараққий этганлиги сабабли дегрезчилардан иборат катта маҳалла пайдо бўлган. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда 240 га яқин маҳаллалар бўлиб, улар дегрезлик, заргарлик, пичоқчилик, кўнчилик, мисгарлик, кулолчилик каби номлар билан аталган. Жумладан, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида кулоллар маҳалласи бўлиб, у ерда махсус тандирлар ясалган¹⁷.

XIX асрнинг охирларида Тошкентда энг ривожланган кустар (хонаки) хунармандчиликлардан астарчилик (мато тайёрловчи, бўёқчилар), заргарлик, сағричилик, иохчувачилар (иох-ёғ, чува-идиш, ёғ идишлар), тароқчилар, машиначилар (халат ишлаб чиқарувчи – тикувчилар), патакчилар, похолчилар, товончилар (туфлига товон қуювчилар) ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган эди¹⁸.

XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент халқи ва хунармандлари орасида хунармандчиликни ҳар томонлама ривожланиши

¹³ И с м о и л о в а Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисми тарихи. Тошкент, 2004. 44-бет.

¹⁴ О з о д а с в Ф. Тошкент тарихидан очерклар. Тошкент, 1960. 28-бет.

¹⁵ Х у р ш у т Э. Ши – Чач – Ташкент. Ташкент: Ўзбекистон, 1992. С. 54.

¹⁶ М а е в Н. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. СПб., 1876. Вып. 4. С. 265.

¹⁷ И с м о и л о в а Ж. Х. Тошкентда хунармандчиликнинг ривожланиши ва унга ислом маданиятининг таъсири // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2007. № 4. 85-бет.

¹⁸ Г е й е р И., Н а з а р о в И. Кустарные промыслы в Ташкенте... С. 3-32.

ва махсулотларни юқори санъат даражасига етиши учун ўз хунарига содиклигини, кадимий анъаналарни давом эттириш, яъни уста-шогирд, хунар пирлари, пайғамбарлари, авлиёлари ҳақиқа дуолар қилиш учун хунармандчилик рисолаларидан фойдаланганлар.

Хунармандларнинг юқори қатлами бош усталар бўлиб, уларнинг қарамоғида устахона, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари бўлган. Улар буюртма қабул қилиб олиш, усталар ўртасида иш тақсимлаш ва бирор бир маросимни ўтказиш каби вазифаларни бажарганлар. Усталар ва хунармандлар уюшмалар (цех) га бирлашган. Ҳар бир уюшманинг ўзига хос рисоласи бўлиб, унда тартиб ва қоидалар мавжуд бўлган. Уюшма аъзолари вақти-вақти билан тўпланиб турганлар. Уюшма аъзолари уларга аванс (бўнак) тўлашган. Агар шогирд (халифа) ишдан кетмоқчи бўлса шу бадал пулини устахонага қайтариши шарт бўлган. Рисола хунармандларнинг доимий китобчаси бўлиб, ўлчами варақнинг 1/16 ёки 1/8 қисмини ташкил этган¹⁹. 1885 йилда Тошкентда «Дехқонлар рисола-си» 50 нусхада нашр этилган²⁰.

Бундан ташқари, эгарсоз усталар, темирчилар, чой соғувчилар, мисгарлар, этикдўзлар, баққоллар, новвойлар, тикувчилар, ёғ ишлаб чиқарувчилар каби бир қанча хунармандчилик соҳалари бўйича рисо-лалар чоп этилган. Хунармандчилик билан шуғулланувчи ҳар бир уста хунарманд ўз рисоласига эга бўлиб, ўз ишларини рисолада келтирилган амалларга кўра бажаришлари лозим бўлган. Рисоласи йўқ хунармандлар эса ўз усталарининг, пирларининг, пайғамбарлар, авлиёлар ва фаришта-лар ғазабига дучор бўлиши таъкидланган. Шунингдек, тўкувчиларнинг пири Момо Ҳаво, темирчиларнинг пири Довуд пайғамбар, қайиқ ясов-чиларнинг пири эса Нуҳ пайғамбар, тикувчиларнинг пири Идрис пайғамбар, қурувчилар пири эса Муҳаммад пайғамбар, қорамол ва қўй боқувчилар пири Зангиота ва Чўпонота ҳисобланган²¹. Заргарларнинг ҳам ўзига хос хунармандчилик рисолалари бўлган. Рисола нафақат хунармандчилик асоси аҳамиятига эга бўлмасдан, хунармандчилик ус-тахоналарини ривожлантириш билимлари, асбоблари, махсулотлари, ишлаб чиқариш технологиялари манбаси ҳам ҳисобланган²².

¹⁹ Г а в р и л о в М. Рисоля сартовских ремесленников. Ташкент, 1912. С. 1.

²⁰ И с м о и л о в а Ж. Х. Тошкентда хунармандчиликнинг ривожланиши ва унга ис-лом маданиятининг таъсири... 86-бет; Р а з в о д о в с к и й В. К. Кустарные промы-слы в Туркестанском крае. Ташкент, 1916. С. 9.

²¹ Рисоля о стрельбе // Туркестанские ведомости. 1901. № 38.

²² А т а д ж а н о в а Д. Ш. Историография ремесленного производства Бухарского ханства XIX в. (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «Рисола»): Ав-тореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2008. С. 22.

XX аср бошида Туркистонга ташриф буюрган Россиядаги АҚШ элчиси Южен Скайлер ўлкадаги кўпгина шаҳарларда бўлиб, ўлкадаги савдо, бозорлар, ишлаб чиқаришга оид маълумотлар тўплайди. Скайлер Тошкент шаҳридаги маҳаллий ишлаб чиқариш билан ҳам танишиб, заргарлар, пичокчилар, кетмончилар, мисгарлар ҳақида хикоя қилади. Унингча, Тошкентда савдогарлар 32 касабга уюшган бўлиб, 32 рақаминсон танасидаги аъзолар 32 та эканлиги билан белгиланган. Мануфактура, яъни саноат ишлаб чиқариши ҳам 32 турга ва тармоққа бўлинган. Масалан, пойабзалчилар, ипак тўқувчилар ва ҳ. з. Унинг таърифлашича, бозорда атторхона бўлиб, у ерда куритилган шифобахш ўтлар, аёллар пардоз ашёлари, ўсма, сурма, упа, хина сотилган. Тошкентдаги қирғиз бозорда эса туянинг соч толасидан тайёрланган кийимлар, арқон, ёпинчик ва гиламлар сотилган²³. Южин Скайлер Тошкентдаги темир кўйиш, кулолчилик, пойабзал тайёрлаш устахоналари, иш жараёнлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот беради.

Умуман олганда, Тошкентда XX асрнинг бошларида 252 га яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, шундан 183 таси ишлаган. Бу корхоналарнинг 127 таси Тошкент уезида, 111 таси Тошкент шаҳрининг «янги қисми»да жойлашган эди²⁴ (бу устахоналар пойабзал, баққоллик, мисгарлик, темирчилик, чўян қуйиш, чарм маҳсулотлари, заргарлик, ёғочсиз тунукасозлик, гиламдўзлик, шойи ва бошқа матолар тўқиш, эгар-жабдук, сандиқ, қандолатчилик, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган эди).

Тошкентда оилавий хунармандчилик ўзига хос кичик ишлаб чиқаришга эга бўлган, яъни бирлари пахта тозалашган, бошқаси эса ип йигириш, калавалаш, тўқиш ва бўйаш билан алоҳида-алоҳида шуғулланишган. Аммо, асосий меҳнатнинг оғирлиги аёллар зиммасида бўлиб, улар пахта тозалаш, пахтани йигириб ип холига келтиришни амалга оширишган.

Қолаверса, азалдан Тошкентда уй шароитида матоларни (ип-газлама ва ярим ипак матолар) қўлда тўқиш ҳам ривожланган бўлиб, Тошкент косиблари бўз ёки карбос (оддий бўялмаган ип-газлама), босма (кўпроқ кизил тусдаги гули бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип-газлама), чопон тикишда қўлланиладиган йўл-йўл ним шойи матолар тўқишга моҳир бўлганлар²⁵. Беқасам, шойи, ипак шойи мато-

²³ З н я е в а Д. XIX – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан // Ўзбекистон тарихи. 2007. № 3. 18-28-бетлар.

²⁴ З а о р с к а я В. В., А л е к с а н д р К. А. Промышленные заведения Туркестанского края. П., 1915. С. 120.

²⁵ С о д и к о в а Н. XIX – XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. Тошкент, 2001. 23-бет.

лар эса камроқ тўқилган бўлиб, бундай матоларни аҳолининг айрим қисмларигина сотиб олган. Тошкент матолари йўл-йўлларини ранги асосан 2 хилда: оқ ва кўк (ёки кулранг-кўк), оқ ва пушти ранг, оқ ва сарик-жигарранг ёки 3 хил рангда – оқ, оч кўк ва сарик-жигарранг ёки сарик кулрангларда бўларди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда хунармандларнинг 4548 та раста-дўконлари бўлган. Бозорларда ҳар бир маҳсулотнинг савдо қаторлари бўлиб, тери маҳсулотлари 60 та дўкон-магазинларда; гиламлар, ёпинчиқлар – 10 та, металлдан ясамалар – 60 та, тароқ ва бошқа керакли жиҳозлар – 150 та, қўлда тўқилган ип-газлама матолар (бўз, чит, олача, гул босилган матолар), рўмоллар – 100 та, этик, калиш-маҳсилар – 100 та, михлар, темир-терсақлар – 60 та, ошланмаган тери – 50 та, ип, қоп, мис қумғонлар, жомлар, чойгум ва бошқа мис идишлар – 32 та, эгарлар – 30 та, шам, совун, носвой, тамаки – 20 та, заргарлик буюмлари – 20 та дўкон расталарда жойлашган²⁶. Шунингдек, 60 га яқин расталарда канаус, беқасам матолар билан бирга чачвонлар (яъни аёллар юзини беркитиб юрадиган тўрсимон мато) ҳам сотилган. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси асосан Тошкент уста-хунармандлари томонидан уйда қўлда тайёрланган. Бундай хунармандчилик маҳсулотлари деярли ушбу раста-дўконларни ўзида тайёрланиб, сотилган. Шунинг учун ҳам бу расталар дўкон – магазин ҳам ҳисобланган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентда содир бўлган кескин сиёсий, маъмурий ва иқтисодий ўзгаришлар, мустамлақачилик тузуми ўрнатилиши шаҳарнинг иқтисодий аҳволига зиддият-ли таъсир кўрсатиши, бир томондан, Тошкентнинг қўшни мамлакатлар билан алоқаларини чеклаган бўлса, бошқа томондан, Россия билан савдо алоқаларини кучайтирди. Шунингдек, Тошкентда анъанавий иллаб чикариш, савдо-сотик, бозор муносабатлари ўз аҳамиятини йўқотмади ва аксинча, четдан саноат маҳсулотларининг кириб келишини жадаллаштирди. Шу боис, бу ўзгаришлар маҳаллий ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини синишига ва тугашига олиб келди. Ўша пайтда Тошкентда ҳаммаси бўлиб 598 та баққоллик дўконлари, устахоналари, 190 та галантерия моллари дўконлари фаолият кўрсатган, шу билан бирга 29 та карвонсарой ҳам бўлиб, уларнинг кўпчилиги айна бир маҳсулот савдоси билан савдо қилувчи савдогарларнинг тўхташи ҳамда уларнинг молларини сақлашга ихтисослашган²⁷.

²⁶ Ф а й з и е в а З. Кустарно-ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1978. С. 31.

²⁷ Д о б р о с м ы с л о в А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С. 410.

Тошкентда кустар ишлаб чиқариш чор Россияси боскинидан кейин катта ўзгаришларга учради. Чунки уй шароитида ишлаб чиқарувчи устасхунармандлар рус матолари намуналари асосида ишлаб чиқара бошладилар. Бу эса ўз-ўзидан ишлаб чиқаришда ва савдода ракобатни юзага келтирар эди.

Бугун Тошкент минтақанинг йирик саноат транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполис бўлиб, «Шарқ дарвозаси» ҳисобланади. Шу боис, Тошкент энг йирик саноат, маданий ва илм-фан марказига айланиши, азалдан бунёдкорлик замини, иқтисодий имкониятлар, табиий бойликлар, меҳнатсевар халқ хунармандчилиги, савдо алоқаларида шуҳрат қозониши билан белгиланади.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги дехқончилик ва шаҳар цивилизацияси бешиги бўлган Тошкент хунармандчиликнинг энг йирик маркази ҳам эди. Унинг тарихи архаик босқичлардан бошланиб, энг аввало, унинг маъмурий, диний, ҳарбий, сиёсий, хунармандчилик ва савдо маркази сифатида ривожланганлигидан дарак беради. Қолаверса, Тошкентни XIX аср ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликлари ижтимоий-иқтисодий таназзули камраб олган бўлса-да, унинг қўшни давлатлар Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Хитой, Афғонистон ҳамда Россия билан алоқаларнинг асосий марказларидан бири эди. Тошкентнинг Қўқон хонлиги тасарруфида бўлиши, мустамлакачилик режимида тушиши унда хунармандчилик, ишлаб чиқаришнинг савдо ва саноат муассасаларини вужудга келиши, шаҳарда ички ва ташқи савдо оборотини ривожланиши, маданият-маърифат ўчоқлари вужудга келишига тўсқинлик қилолмади. Шаҳар кўплаб тўқув-йиғирув устахоналари, ёғочга ва металлга ишлов берувчи корхоналар, кўнчилик, қулоччилик ва тўқимачилик ишлаб чиқариши билан бугунги кунгача маълум ва машҳурдир.

С. Давлатова

Из истории ремесел города Ташкента (XIX – XX вв.)

В статье раскрывается история традиционных ремесел в одном из крупных политических, социально-экономических и культурных центров нашей страны – городе Ташкенте. Рассматриваются торговые отношения города Ташкента с регионами Российской империи в конце XIX – начале XX в.

S. Davlatova

On the history of Tashkent's crafts (19 – 20 centuries)

This article describes the history of traditional crafts of one of the biggest political, social, economical and cultural centre of Central Asia – Tashkent city. Also, it analyzes trade relation between Tashkent and regions of Russian empire at the end of 19th – the beginning of 20th centuries.

Тарихшунослик

К. Пардаев

ТАРИХИЙ АДАБИЁТЛАРДА МИЁНКОЛ ТАВСИФИ

Миёнкол географик жихатдан Зарафшон водийсининг ўрта қисмида, Зарафшон дарёсининг ирмоклари Оқдарё ва Қорадарё оралигидаги ҳудудда жойлашган.

Зарафшон дарёси Самарқанд шаҳрининг шимоли-шаркида, Чўпон-ота тепалиги ёнидаги сувайирғич (тўғон) дан икки ирмоққа бўлинади. Шимол тарафидаги ирмоқ Оқдарё, жанубидаги эса Қорадарё деб аталади (баъзи манбаларда Оқдарё «Дарёи сафед», Қорадарё эса «Сиёҳоби калон»¹ деб ҳам аталган). Оқдарёнинг узунлиги 130 км ни, Қорадарёники эса 127 км ни, улар орасидаги оролнинг энг кенг нуқтаси Қорадарёнинг чап қирғоғида жойлашган Довул қишлоғи ҳудудига тўғри келиб, 15 км ни ташкил этади. Бу икки ирмоқ ҳозирги Навоий вилоятининг Хатирчи тумани ҳудудида яна бирлашиб, орасида ҳосилдор Миёнкол оролини ҳосил қилади. Оролнинг узунлиги 100 км, кенглиги 15 км, майдони эса 1200 кв. км дир². Бу жой тарихий манбаларда Зарафшон водийсининг энг гуллаб яшнаган, ҳосилдор тупроқли, деҳқончилик маданияти юксак ривожланган ҳудуди сифатида қайд этиб келинган. Ҳозирги вақтда бу ҳудудда Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Иштихон туманлари ҳамда Каттақўрғон туманининг суғорма деҳқончиликка асосланган энг асосий ҳудуди жойлашган.

Миёнкол Зарафшон водийсининг қадимий тарихга эга ҳудудларидан биридир. Агар тарих саҳифаларига назар ташласак, бу ҳудуд икки минг йилдан зиёд вақт жараёнида бир неча номлар билан маълум ва машҳур бўлганлигини, кейинчалик эса «Миёнкол» номи билан аталганининг гувоҳи бўламиз.

Қадимда Суғд – Суғдиёна деб аталган ўлканинг асосий ҳудудларидан ҳисобланиб, Самарқанд атрофида, хусусан, Зарафшон дарёсининг ирмоклари Оқдарё ва Қорадарё оралигида жойлашиб, Самарқанд Суғди, Ним Суғда (Ярим Суғд), Суғди Хурд (Кичик Суғд) номлари билан маълум бўлган бу жой ўзининг гўзал табиати, ораста туманлари, меҳмондўст халки, шоир ва олимлари билан тарихда ўзига муносиб из қолдирган.

¹ Маҳаллий аҳоли бу дарёни «Қорасув» деб ҳам атаган. Хусусан, Қорадарёнинг чап қирғоғидаги бир қишлоқ ҳозир ҳам Қорасув деб аталади.

² Б а р а т о в П. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 200-бет.

Миёнкол худудлари қадим замонлардан бошлаб, ўзининг алоҳида географик ўрни ва ижтимоий-иктисодий муносабатлардаги мавқеи билан ажралиб турган. Миёнкол худудида археологик тадқиқотлар олиб бориб, унинг қадимги даврига оид монография ёзган олима Г. А. Пугаченкова шундай ёзади: Миёнкол худудлари жуда ҳосилдор, сув билан яхши таъминланган, деҳқончиликка қулай бўлиб, қадимдан аҳоли яшаб келган жойдир. Миёнкол алоҳида маъмурий бирлик сифатида маҳаллий аҳоли томонидан Ним Суғда деб аталган. Окдарёнинг шимолдан то яқиндаги тоғгача бўлган худуд – Суғди Калон деб аталган. Ним Суғда ва Суғди Калон атамалари қадимий топонимлар сирасига кириб, шубҳасизки, бу худуд аҳолиси қадим Суғд (Суғдиёна) аҳолиси билан бир хил бўлган³.

Зарафшон дарёси ва ундан сув ичадиган худудлар тўғрисидаги маълумотлар қадимги юнон манбаларида ҳам келтирилган. Бу худуд тўғрисида Страбон шундай дейди: «Суғддан оқиб ўтадиган дарёни Аристовул Политимет деб атайди. Бу номни унга македонияликлар берган. Бу худудларни сув билан таъминлаб, гуллаб-яшнаган дарё чўлли худудгача (қумли мамлакатгача) оқиб бориб, қумга сингиб кетади»⁴.

Бу худуднинг муҳим стратегик аҳамияти Искандар Зулқарнайн босқини давридаёқ ажралиб турган ва Спитаменнинг таянч нуқталаридан бири вазифасини ўтаган. Буни манбалар ҳам тасдиқлайди.

Юнон тарихчиси Арриан ўзининг «Анабасис Александра» китобида, айнан «Спитамен томонидан македон қўшинларининг йўқ қилиниши» деб номланган бўлимида қуйидагиларни ёзади: Спитамен Александр томонидан жўнатилган қўшин Марокандга (Марокандага, яъни қадим Самарқандга – Афросиёбга) яқинлашаётганлигини сезган заҳоти қалъа қамалини бўшатиб, чекина бошлади. Фарнух ва бир қанча саркардалар бошчилигидаги қўшин Спитаменни Суғдиёнадан узоқроққа қувиш ва таъқиб қилишга шошилдилар ва қутилмаганда кўчманчи скифлар қўшинига дуч келдилар. Шунда Спитамен ўзига скифларнинг 600 кишилик отлик қўшинини қўшиб олиб, македон қўшинларининг хужумини кутишга қарор қилди. Фарнух ўз аскарларига Спитаменга қарши хужум қилишни буюрган заҳоти Спитамен жуда тезликда ҳаракат қилиб, чекина ва яширина оларди. Бунинг сабаби эса Спитамен суворийларининг отлари жуда чопқир (учқур) ва кучли эди. Чекиниш жараёнида скифлар юнон отликларига кескин хужумлар уюштирардилар.

³ Пугаченкова Г. А. Древности Мианкаля. Ташкент: Фан, 1989. С. 9.

⁴ Арриан. Анабасис Александра или история походов и завоеваний Александра Великого. В 7 кн. Кн. IV / Примечания к книге IV. Пер. с греч. Коренкова Н. Ташкент, 1912. С. 192.

Кўпчилиги камон ўқларидан ярадор бўлгани ва ўлдирилгани боис, юнон аскарлари тўрт бурчакли ҳалқа ҳосил қилиб, Политимет (Зарафшон – бу ерда Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи Қорадарё назарда тутилмоқда) дарёсига чскина бошладилар. Чунки, у ер тўқайзорлардан ибораг бўлиб, бу ерда ёввойилар (варварлар) нинг камонлардан ўқ отиши қийин эди ва македониянинг пиёда кўшинлари учун бу ерда жанг қилиш жуда қулай эди.

Лекин гиппарх Каран сарқарда Андромахни огоҳлантирмасдан туриб дарёдан ўтишга ва у ерда (икки дарё оралиғида – Зарафшоннинг ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарё оралиғида – *муаллиф*) отлик аскарларни хавфсиз жойда сақлашга қарор қилди. Македон пиёда кўшинлари эса отлик кўшинлар орқасидан буйруксиз йўлга тушдилар. Худди шу пайт ёввойилар македонияликларни сезиб қолишиб, дарёнинг ўтиш жойида икки томондан отлик кўшин билан ташландилар. Уларнинг баъзилари македон кўшинларининг дарёдан ўтганларига хужум қилишса, бошқалари эса дарёдан ўтаётганларига хужум қилишиб, ортга қайтмоқчи бўлганларини дарёга улоқгирардилар, учинчи гуруҳи эса ёнбошдан ўқ узардилар ва тўртинчи гуруҳи эса дарёдан ўтмоқчи бўлганларига хужум қилардилар⁵.

Шундай қилиб, македонияликлар ҳар тарафдан таъқибга учраб дарёдаги (икки дарё ўртасидаги) кичик бир оролга қочадилар. Бу ерда скифлар ва Спитаменнинг суворийлари уларни ўраб олиб, ўққа тутдилар, баъзиларини асирга олиб ўлдирдилар.

Аристовул шундай ҳикоя қилади: кўшиннинг катта қисми қамал вақтида йўқ қилинди, чунки скифлар тўқайзор (ўрмон) ларга яширинишиб, жангнинг энг кучайган пайтида македонияликларга у ердан хужум қилдилар. Фарнух Александр томонидан ёввойилар билан тезда шартнома тузиш учун юборилган эди. Аммо Андромах, Каран ва Менедемлар буни хохламадилар. Бундай чалкаш ва тартибсиз ҳолатда ёввойилар юнонларга хужум қилишиб, ҳаммасини ўлдирдилар. Фақатгина суворийлардан 40 тачаси, пиёда аскарлардан эса 300 тасигина қутқариб қолинди холос.

Бу нохуш хабар Александрга етиб келганида у аскарларига ачиниб ғамга ботди ва шу вақтнинг ўзидаёқ Спитамен ва унинг ёввойиларига қарши юришга қарор қилди. Александр отлик аскарларининг ярмини, моҳир камондозларини ва энг илғор кўшинини олиб Мароқандга юрди ва у ерга тўртинчи куни тонгда етиб келди. Спитамен Алексан-

⁵ А р р и а н . Анабасис Александра или история походов и завоеваний Александра Великого. В 7 кн. Кн. IV / Деяния Александра после пленения Бесса до похода в Индию // Уничтожения Спитаменом македонского отряда. Пер. с греч. Коренкова Н. С. 158.

дрнинг яқинлашаётганини эшитиб, ўз қўшини билан шаҳарни (қадим Самарқандни – Афросиёбни) ташлаб чиқди. Александр унинг ордидан тинмай таъқиб қилиб, жанг бўлган ва аскарлари ҳалок бўлган жойга (икки дарё оралиғига) етиб келди ва қурбонларни дафн қилишга буйруқ берди. Шундан сўнг у яна ёввойиларни таъқиб қилиб, тўқайзорларга яширинганларини йўқ қилди. Александр шу тариқа Политимет (Зарафшон) дарёсидан сув ичадиган худудларни босиб олди⁶.

Курций Спитамен билан македон қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган Политимет (Зарафшон – чап ирмоқ Қорадарё) дарёси қирғоғидаги жанг тўғрисида шундай ҳикоя қилади: Александр томонидан кўзғолонга сабабчи бўлган Спитаменни қамал қилиш учун юборилган қўшиннинг бошлиғи Менедем эди. Спитамен македон қўшинларининг яқинлашаётганлигидан хабар топиб, қамалга тушмаслик учун панага яширинди ва македон қўшинларининг у ердан ўтишини билиб, уларга хужум қилишни мўлжаллади. Бу жой қалин тўқайзор билан қопланган бўлиб, қамал қилиш учун жуда қулай эди.

Бу ерда у (Спитамен) сакларни яшириб бутун тўқайзорни ўраб олишга буйруқ берди. Менедем ўз қўшини билан бу қамалдан чиқолмай ҳалок бўлди. У дўсти Гипсид билан жасурлик ва ботирликда шижоат кўрсатди. Омон қолган македонияликлар бир тепаликда (Миёнколда – икки дарё оралиғидаги тепаликлардан бирида – *муаллиф*) жон сақладилар. Спитамен уларни ўраб олиб, очликка маҳкум этди ва таслим бўлишга мажбур қилди. Бу жангда македонияликлардан 2000 пиёда ва 360 отлик қўшин ҳалок бўлди. Александр бу жанг тўғрисидаги совуқ хабарни олиб келганларни мабодо, яна шундай хабар олиб келишса ўлимга маҳкум қилишини айтди. Унинг ўзи жанг бўлган жойга (тўқайзорга – икки дарё оралиғидаги худудга) келиб, ҳалок бўлган жангчиларни урф-одатларга асосланган ҳолда иззат-ҳурмат билан дафн қилдирди⁷.

Юқорида Арриан томонидан берилган маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Спитамен қўшинлари билан македонияликлар ўртасидаги мазкур жанг шубҳасизки, айнан Миёнкол худудида бўлиб ўтган. Бу икки дарё оралиғидаги худуд бўйига узун (100 км), энига эса қиска (15 км) бўлиб, айниқса, унинг Самарқанд ёнида иккига ажраладиган дельтаси ва дарё атрофлари ҳозир ҳам тўқайзорлардан иборат. Шунинг учун ҳам Арриан бу ерни катта бўлмаган жой ва тўқайзор деб таърифлайди.

⁶ А р р и а н . Анабасис Александра или история походов и завоеваний Александра Великого. В 7 кн. Кн. IV / Деяния Александра после пленения Бесса до похода в Индию // Бегство Спитамена в пустыню. Пер. с греч. Коренкова Н. С. 159-160.

⁷ А р р и а н . Анабасис Александра или история походов и завоеваний Александра Великого. В 7 кн. Кн. IV / Примечания к книге IV. Пер. с греч. Коренкова Н. С. 193.

Миёнкол ўрта аср тарихчилари Истахрий, Ибн Хавқал, Жувайний, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Унинг худудида илк ўрта асрларда Иштихон, ўрта асрларда Офаринкент ва Даҳбед шаҳарлари вужудга келган. Самарқанднинг шимоли ғарбида 7 фарсах масофада жойлашган Иштихон Турк хоқонлиги даврида алоҳида маъмурий бирликка эга бўлган. VIII асрда Самарқандни араблар босиб олгандан сўнг Суғд ихшидлари ўз пойтахтларини Иштихонга кўчирганлар. Иштихоннинг бозорлари ва баъзи бир қишлоқларидан олинадиган даромадлар халифанинг саркардаси Ужайф ибн Анбасга тегишли бўлган. Халифа Муътасим бу даромадларни давлат хазинасига мусодара қилган. Халифа Муътамид эса (870-892) бу даромадларни Хуросон ҳукмдори Муҳаммад ибн Тохирга⁸ (862-873) тортиқ қилган. Иштихон узунлиги 5 кунлик, эни 1 кунлик йўл бўлиб, унинг шимоли-шарқий чегарасини Соғарж тоғлари ташкил этган. X асрда Иштихон муҳим шаҳар ҳисобланиб, шаҳристон, арк ва работдан иборат бўлган⁹.

Офаринкент (Примкент) Миёнкол худудидаги қадимий аҳоли пунктидир. Ўрта асрларга оид кўплаб қўлёзма манбаларда Офаринкент шаҳар сифатида тилга олинади. «Қандия» китобида ва маҳаллий ривоятларда Офаринкент шаҳри Самарқанд ҳукмдори Ғўрак даврида қурилган дейилади.

В. В. Бартольд манбаларга асосланган ҳолда Офаринкент шаҳрини VII асрда Самарқанд ҳукмдори Ғўракнинг укаси Офарин томонидан қурилган деган маълумотни келтиради¹⁰.

В. В. Бартольд «Қандия» китобидаги маълумотларга асосланиб қуйидагиларни ёзади: «Самарқанд ҳукмдори Ғўракнинг Тархун ва Офарин исмли икки укаси бўлиб, Офарин энг кенжаси ва камбағали эди. Ғўрак Самарқанд шаҳридан тўрт фарсах масофада шаҳар-қалъани қурдириб, унга Офарин деган ном берди ва укаси Офаринга тортиқ қилди».

Зарафшоннинг ирмоқлари Окдарё ва Қорадарё ҳосил қилган оролнинг юқори қисмини Темурийлар даврида «Ним Суғда» (Ярим Суғд) ёки «Суғди Хурд» (Кичик Суғд) тумани эгаллаган. Офаринкент туманининг марказида жойлашган бўлиб, шайбонийлар давридан бошлаб ўз номини бутун туманга берган¹¹.

⁸ Тохирийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори.

⁹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. М.: ИВЛ, 1963. С. 146-147.

¹⁰ Там же.

¹¹ Вяткин В. Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета (Административное деление вилайета) // Справ. книжка Самарканд. обл. Самарканд, 1902. Вып. VIII. С. 14-16, 57.

1512 (919 хижрий) йилда Чўли-Маликда бўлиб ўтган Бобур Мирзо билан Шайбонийлар ўртасидаги жангда Бобур Мирзо мағлубиятга учраб, Самарқанддан қувилади. Шундан сўнг Мовароуннаҳр шайбонийзодалар ўртасида тақсимланади. Зарафшон водийсининг ўрта қисми Миёнкол ва Нурота Жонибек Султон ва унинг ўғилларига тегади. Жонибек Султоннинг ўзи Карманада, Офаринкентда эса унинг ўғли Искандар Султон жойлашади ва у Офаринкент туманини отасининг ўлимигача 1529 (935 хижрий) йилгача бошқаради.

«Абдуллонома» (Шарафномаи шохий) асарининг муаллифи Хофиз Таниш ал-Бухорий Миёнкол худудидаги Офаринкентни вилоят сифатида таърифлаб, уни Искандарнишонхон Абулфатх Искандар Баходирхон бошқарганлиги тўғрисида маълумот беради¹².

Манбалар шундан далолат берадики, Офаринкент шаҳрининг мавқеи дастлаб IX – XI асрларда сўнгра шайбонийлар даврида (1500-1599 йй) ўзининг юқори чўққиларига кўтарилган.

Аштархонийлар даврида (1599-1753) ҳам Офаринкент шаҳри ҳоким ёки бекнинг ёҳуд қўшин қозисининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик эса Офаринкент ўзининг мавқеини Даҳбедга бўшатиб берган¹³.

XVI – XIX асрларга оид кўплаб қўлёзма манбаларда Офаринкент гоҳ туман гоҳ вилоят сифатида тилга олинади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан то XIX асрнинг 60-йилларигача, яъни Зарафшон водийсининг маълум қисми чор Россияси томонидан босиб олингунига қадар (1868 йил) Офаринкент туман сифатида Бухоро амирлигининг Самарқанд беклиги тасарруфига кириб, маъмурий жиҳатдан 3 та амлоқлик, 26 та даҳа, 136 та қишлоқни ўз ичига олган. Бу туман Бухоро амирлигининг энг йирик, ҳосилдор ҳамда аҳолиси зич жойлашган туманларидан бири ҳисобланган. Бу туманни Бухоро ҳукмдорлари томонидан тайинланган беклар бошқарганлар.

XVII асрнинг ўрталарига келиб, Офаринкент инқирозга юз тутган. Унинг нуфузини Даҳбед шаҳри эгаллаган. Бухоро амирлиги даврида Офаринкент туманининг маркази вазифасини Даҳбед шаҳри ўтаган.

Юқорида Офаринкент тумани тўғрисидаги маълумотларни ЎЗР МДА нинг 373-«Офаринкент тумани қозиси» жамғармасида сақланаётган кўплаб ҳужжатлар тасдиқлайди Туман қозисининг ҳужжатларида

¹² Хофиз Таниш ал-Б у х о р и й . Абдуллонома (Шарафномаи шохий). 1 к., Тошкент: Шарқ, 1999. 24-бет.

¹³ В я т к и н В. Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаета (Административное деление вилаета) // Справ. книжка Самарканд. обл. Самарканд, 1902. Вып. VIII. С. 58-59.

туман бошқарувига тайинланган бекларнинг рўйхатлари, Бухоро хукмдорлари ва бош қозиларининг (қозикалонларининг) мухрлари билан тасдиқланган, туман хуудларидаги кўплаб мулкларнинг (вақф, мулки хурри-холис, амлок) асл хужжатлари (иноятномалар, ёрликлар) мавжуд¹⁴.

Офаринкент шаҳри тўғрисидаги маълумотларни 1936-1937 йилларда Г. Григорьев бошчилигида олиб борилган археологик тадқиқотлар тўлиқ тасдиқлайди. Г. Григорьев бошчилигидаги археологик экспедиция Офаринкент шаҳри харобаларидаги Ўғил ва Қизтепа ҳамда унинг атрофларидаги Шўртепа, Отчопартепа, Ялпоктепа, Чангалтепа хуудларида икки йил давомида археологик тадқиқотлар олиб борганлар. Бу тепаликлар хуудларидан ҳар хил рангдаги турли сопол ва чинни идишларнинг қолдиқлари, шунингдек, зардуштийларнинг дахма, ноус (остадон) лари топилган. Офаринкент шаҳрининг харобаларидаги Ўғил ва Қизтепа хуудидида 63 кв. метр майдон қазилиб, бу майдондан 143 та узунлиги 1 метр диаметри эса 70-80 см. ли хумлар (зардуштийларнинг остадонлари) топилган.

Археологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, Офаринкент шаҳри шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилган бўлиб, тахминан 14 гектар майдонни эгаллаган. Шаҳар атрофи 7-9 метр баландликдаги девор билан ўралган бўлиб, ғарбий қисмида иккита тепалик қад кўгарган (Ўғилтепа баландлиги 22-23 метр, Қизтепа баландлиги 17-18 метр, бу тепаликлар ҳозиргача сақланиб қолган). Шаҳар шарқий деворининг атрофи ҳандак билан ҳам ҳимояланган. Қизтепанинг шимолий ёнбағрида «Чилота» деб аталган катта булоқ мавжуд бўлиб, у бутун шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлаб турган. Булоқдан бош олган чуқур сой шаҳарнинг маълум қисмини кесиб ўтиб, шаҳар ташқарисидаги катта ариққа қуйилган ҳамда атрофдаги аҳолини ҳам сув билан таъминлаб турган. Бу булоқ бир неча асрлар давомида мавжуд бўлиб, XX асрнинг бошларида қуриб қолган. Шаҳарнинг марказида эса шаҳар бошлиғи (бек) нинг қароргоҳи мавжуд бўлган. Шаҳарнинг жанубида катта қабристон мавжуд бўлиб, шимолий тарафида эса бир неча асрлар давомида баҳорги ярмаркалар «сайиллар» ўтказилиб келинган. Бундай сайиллар охириги марта 1925 йилнинг баҳорида ўтказилган.

Шаҳарнинг ғарбий ва шарқий тарафларида бозорлар мавжуд бўлиб, ғарбий бозор «қандолат» шарқий бозор эса «заргар» номлари билан юритилган. Бу бозорларнинг номлари ҳозиргача сақланиб қолган. Шаҳар атрофида кўплаб қишлоқлар мавжуд бўлиб, аҳолиси хунармандчилик, савдо-сотик ва дехқончилик билан шуғулланган.

¹⁴ ЎзР МДА, 373-жамғарма, 1-рўйхат, 88-иш.

Манбалардаги маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз мумкин-ки, VII аср охирларидан то XVII асрнинг ўрталаригача қарийб минг йил давомида шаҳар сифатида мавжуд бўлган Офаринкент Ўрта Осиёнинг бошқа кўплаб шаҳарларига нисбатан кичик бир шаҳар сифатида саналган бўлса ҳам барча сулолалар даврида ўзининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, гўзал табиаги, қулай иқлими ҳамда тинчликсевар ва меҳнаткаш аҳолиси билан муҳим ўрин тутиб келган.

Офаринкент шаҳарининг харобалари ҳозирги Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Примкент қишлоғи ҳудудидадир.

Чор Россияси босқинига қадар Миёнкол Бухоро амирлигининг Самарқанд ва Каттакўрғон бекликлари таркибига кириб, унинг ҳудудида Дахбед, Пайшанба, Янгикўрғон каби шаҳарлар мавжуд бўлган. Миёнкол амирликнинг энг бой ҳудудларидан бири ҳисобланиб, Амир хазинасининг маълум бир қисмини тўлдириб турган.

Миёнколнинг географик тавсифи бир қатор тадқиқотларда учрайди. Хусусан, Т. Нафасов, С. Қораевлар тадқиқотларида¹⁵ бу ҳудуд Миёнкол, Миёнкол ва Миёнколот тарзида таърифланиб, форс-тожик тилида «икки дарё оралиғи», «икки сув ораси» маъноларини англатганлиги тўғрисида маълумотлар берилади. М. А. Абдураимовнинг тадқиқотида Хатирчи, Пайшанба ва Дабускалға шаҳарлари Миёнколга қараганлиги қайд қилинган. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Албатта, Пайшанба шаҳри Миёнколда жойлашган, аммо Хатирчи ва Дабускалға шаҳарлари Миёнколга тегишли бўлмаган.

И. Санаев эса «Тарихи Ҳумоюн» асаридаги маълумотларга таяниб, Миёнколнинг маъмурий маркази Кармана, вилоят саккиз ҳокимликка бўлинади: Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Боғчаикалон, Нурота, Ғужумсарой, Коми-Миғ, Янгикўрғон деб маълумот беради¹⁶. Лекин, бу маълумотга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки, юқорида кўрсатилган ҳокимликлардан фақатгина Янгикўрғон Миёнколга (икки дарё оралиғига) тегишли бўлган. Кармана шаҳри эса ҳеч қайси даврда Миёнколнинг маъмурий маркази вазифасини ўтамаган.

Х. Ҳасанов ўз тадқиқотида¹⁷ Миёнколни Зарафшон дарёсининг ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарё оралиғида, аслида Миёнкол – «дарё ўртаси», «икки сув ораси» деган маънода деб тўғри таърифлайди. Миёнколга академик А. Ғ. Муҳаммаджоновнинг ҳамда Миёнкол ҳудудида археологик тадқиқотлар олиб бориб, унинг қадимги тарихига оид моно-

¹⁵ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

¹⁶ Санаев И. Зиёвуддин тарихи. Тошкент: Шарқ, 1995. 244-бет.

¹⁷ Ҳасанов Х. Географик номлар сири. Тошкент: Ўзбекистон, 1985.

графия Ёзган қадимшунос олима Г. А. Пугаченкованинг тадқиқотларида¹⁸ ҳам илмий жиҳатдан тўлиқ ва аниқ географик тавсифлар берилган.

1825 йили Санкт-Петербургда нашр қилинган «Азиатский Вестник»¹⁹ да Зарафшон дарёси Дахбеддан, Миёнколдан, Пайшанбадан оқиб ўтади деб маълумот берилган. Албатта, бу маълумот ҳам нотўғри берилган. Чунки, Дахбед ва Пайшанба шаҳарлари Миёнкол худудида жойлашган эди.

Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг бу ерга кўплаб шарқшунослар ва географлар таклиф қилинди. Уларнинг орасида Миёнкол худудида бўлиб, у ерда тадқиқотлар олиб борганлари ҳам кўпдир. Оренбургдан Бухорога саёхат қилган Е. К. Мейендорф Миёнколни шундай таърифлайди: «Миёнколда Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Пайшанба, Қаттақўрғон, Янгиқўрғон ва Челак жойлашган»²⁰. Муаллиф бу ерда Миёнколга нотўғри географик таъриф берган. Чунки, Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Қаттақўрғон ва Челак шаҳарлари географик жиҳатдан Миёнколда (икки дарё оралиғида) жойлашмаган эди.

Бундан ташқари А. П. Федченко, К. К. Абаза, Л. Н. Соболев, А. П. Хорошхин, И. И. Гейер ва бошқаларнинг тадқиқотларида²¹ ҳам Миёнколнинг географик ва топографик тавсифига тегишли маълумотлар учрайди. Рус муаллифлари томонидан берилган маълумотларнинг кўпчилигида Миёнкол нафақат Зарафшон водийсининг, балки Бухоро амирлигининг аҳолиси зич, географик қулай, сув билан яхши таъминланган, ҳосилдор тупроқли, деҳқончилик маданияти юксак ривожланган бой худуди сифатида тилга олинади. Албатта, мустамлакачиларнинг бу худудда тадқиқотлар олиб бориб, уни илмий жиҳатдан ўрганишининг асосий сабаби ва бош мақсади бу ердан кўриладиган манфаатдорлик-

¹⁸ Мухаммаджонов А. Р. Қўйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент: Фан, 1972; Пугаченкова Г. А. Древности Мианкаля. Ташкент: Фан, 1989.

¹⁹ Новейшее описание Великой Бухары (Естественное состояние Бухары, горы, озера и реки) // Азиатский вестник. СПб., 1825. Кн. 2, февраль. С. 78.

²⁰ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.: Наука, 1975. С. 85-90.

²¹ Федченко А. П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины) // Туркестанский сборник. СПб., 1883. Т. 375; Абаза К. К. Завоевание Туркестана // Рассказы из военной истории, очерки природы, быта и нравов туземцев в общедоступном изложении. СПб., 1902; Соболев Л. Н. Об орошении Зеравшанской долины // Туркестанский сборник. СПб., 1873. Т. 83; Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876; Гейер И. И. Путеводитель по Туркестану. Ташкент, 1901; Военный сборник / Известия из Туркестанского округа / СПб., 1868. № 7; Энциклопедический словарь. СПб., 1895. Т. 14.

нинг юкорилиги, бу худуд бойликларини кўпроқ ўзлаштириш ҳамда шунинг орқасидан мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлаш эди.

Юқоридаги манбаларда берилган маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Миёнкол атамаси аслида Миёнком бўлиб, унинг луғавий маъноси форс-тожик тилида Миён – ўрта, оралик; ком – дарё, арик, сув, яъни «дарё ўртаси», «икки сув ораси» маъноларини англатган. Бу атама кейинчалик бошқача талаффузда «Миёнкол» деб атала бошланган²². Эслатиб ўтиш жоизки, Зарафшон дарёси ҳам ўрта асрларда «Харомком» деб аталган (хар – катта, ком – сув, яъни «катта сув» маъносида).

Чор Россияси босқинига қадар маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлигининг Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари таркибига кирган Миёнкол туманлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутган. Чунки Миёнкол табиий географик қулай, стратегик зарур, иқтисодий жиҳатдан бой ва аҳолиси зич жойлашган худудлардан бири эди.

Миёнкол аҳолиси XVI – XIX асрлар давомида зичлиги жиҳатидан Ўрта Осиёда олдинги ўринларда турган. Бунинг сабаби биринчидан, XVI аср бошларида Дашти Қипчоқдан Шайбонийхон бошчилигида кўплаб ўзбек уруғларининг мазкур худудга келиб жойлашиши бўлса, иккинчидан, Миёнколнинг суғорма деҳқончилиқка қулайлиги Миёнкол атрофидаги дашт худуд аҳолисининг диққат-эътиборини ҳамиша ўзига жалб этиб келган. Дашт аҳолисининг кўпчилиги қурғоқчилик даврларида Миёнкол худудларига кўчиб, ўрнашиб қолганлар. XIX аср ўрталарида олинган аниқ статистик маълумотларга кўра Зарафшон водийсининг сувлоқ туманлари аҳолисининг зичлиги 1 чақирим кв. жойда 128,9 кишини ташкил этган²³.

Ўтмишда бу худуд қайси сулола ва давлат тасарруфида бўлма-син, ҳукмдорлар Миёнкол туманлари бошқарувиға ўзларининг махсус ёрликлари билан энг ишончли вакилларини тайинлаганлар. Буни жуда кўплаб манбалар тасдиқлайди.

Миёнколнинг тарихий-географик тавсифи тўғрисида маълумот берувчи манбаларга таяниб, қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин.

Биринчидан, Миёнкол Зарафшон дарёсининг ирмоқлари Окдарё ва Қорадарё оралиғида, водийнинг марказий қисмида жойлашиб, манба-

²² Кўплаб тарихчи ва географ олимларимизнинг фикрларига кўра «Миёнком» ва «Миёнкол» атамалари синоним сўзлар бўлиб, бир хил маънони англатган. Дала ёзувлари. 2-дафтар. 2001.

²³ Саидкулов Т. С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX века /Из социально-экономической и политической истории средней части Зеравшанской долины (Население). Самарқанд, 1970. С. 107.

ларда унинг аҳолиси зич, географик қулай, ҳосилдор тупроқли ва сув билан яхши таъминланган ҳудуди сифатида тилга олинган.

Иккинчидан, баъзи бир манбаларда Миёнколга нотўғри географик тавсифлар берилган, яъни Миёнкол ҳудудидан ташқаридаги айрим шаҳарларни Миёнколга тегишли деб маълумотлар берилган.

Учинчидан, рус муаллифларининг кўпчилиги Миёнколни нафақат Зарафшон водийсининг, балки бутун Бухоро амирлигининг аҳолиси зич, географик қулай, ҳосилдор тупроқли, деҳқончилик маданияти юксак ривожланган бой ҳудуди сифатида таърифлайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги вақтда Миёнкол нафақат Зарафшон водийсининг, балки Ўзбекистоннинг энг гуллаб-яшнаган, табиий географик қулай, ҳосилдор тупроқли, суғорма деҳқончилик маданияти юксак ривожланган, аҳолиси зич жойлашган ҳудудидир.

К. Пардаев

Сведения о Мианкале в исторической литературе

Статья посвящена исторической и географической характеристике Мианкальского оазиса, расположенного между рукавами рек Зарафшан, Акдарья и Карадарья, в средней части Зарафшанской долины. Дано научное обоснование различных названий Мианкала в различные исторические периоды.

K. Pardaev

Information about Miyonkol in the historical literature

This article is dedicated to the historical and geographical characteristics of Miyonkol oasis which is located between the branches of the Zarafshan river – the Akdarya river and the Karadarya river at the central part of Zarafshan valley. The geographic location of Miyonkol and its historical resources of the Middle Ages was worked out in the article. Scientifically investigated by the resources and literature, that during several centuries Miyonkol was called by different names.

Д. Алимова

СУЩЕСТВУЮТ ЛИ ГЕНДЕРНЫЕ КОНСТРУКЦИИ В ИСТОРИОГРАФИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ТРЕХ ЭПОХ (КОЛОНИАЛЬНОЙ, СОВЕТСКОЙ И СОВРЕМЕННОЙ)?

Колониальный и советский периоды истории Центральной Азии отличаются своеобразием, но в то же время имеют адекватные моменты по отношению к истории юга, истории стран, колонизированных европейскими государствами.

Своеобразие же истории Центральной Азии заключается в столкновении и взаимопроникновении европейской, в данном случае русской и азиатской культурно-цивилизационных систем. Большим испытанием для традиционного общества народов Центральной Азии было вторжение новых технологий, а в советский период – форсированная индустриализация, полный передел системы хозяйствования и изменения форм сельскохозяйственного производства, активные и все более ускоряющиеся процессы урбанизации. Все это напрямую было связано с изменением политических систем, каждая из которых влияла на вышеотмеченные процессы и внедряла свою идеологию, закрепленную законодательно-правовой базой.

Мы не можем не иметь в виду эти основополагающие для истории факты, говоря о положении женщин и гендерных проблемах. В не меньшей степени это относится и к историографии вопроса, так как она также была зависима от главенствующих в этот период форм правления и идеологий.

Женский образ в «колониальной» литературе

Если говорить о колониальной историографии Центральной Азии, то вряд ли мы можем подходить к этому вопросу с точки зрения гендерных конструкций. Здесь мы можем говорить лишь о слабых попытках в общественно-политической и научной литературе анализа положения женщин. Вопрос со всей серьезностью и глобальностью не ставился. Тем не менее мы должны быть благодарны первым европейским востоковедам, собравшим сведения об особенностях быта и положения мусульманок Центральной Азии, их сознании, культуре и поведении. С этого времени представления в европейских странах о женщинах этого региона и в целом о народах, населявших его, складывались на основе описаний очевидцев.

Бесспорно, эти сведения носили этнографический характер. Работы Н. Ф. Петровского, Е. К. Мейендорфа, Н. С. Лыкошина, Н. Гаврилова,

С. С. Вулфсона, Корженевского и др. давали в той или иной мере сведения об образе мусульманской женщины. Труды А. А. Диваева, Г. Андреева, М. Фёдоровского, И. Краузе и др. рисовали неосведомленному европейскому читателю картины свадебной обрядности и представления о женском идеале и женском поведении¹.

Особо следует отметить знаменитый труд Армения Вамбери «Очерки Средней Азии», где внимание уделено различию образа жизни деревенских и городских, замужних и незамужних женщин. Наибольшей аналитичностью отличается известное произведение супругов Наливкиных «Очерки быта женщин оседлого туземного населения Ферганской области»². Это было первое специальное исследование жизни женщин Ферганы и, пожалуй, именно здесь впервые проведено сравнение положения женщин и мужчин. Пусть это касалось семейной обрядности и домашней деятельности, но, возможно, сами не осознавая этого, авторы показали степень гендерного неравенства полов в мусульманском обществе. Владея местным языком, они сумели проникнуть в дома сельчан и благодаря чрезвычайной симпатии к коренным представительницам населения Ферганы добиться их расположения и взять сведения. Недаром в 1886 г. сразу после выхода книги Русское географическое общество наградило ее авторов большой золотой медалью, а А. Вамбери в своей рецензии назвал ее самой лучшей книгой о жизни женщин Востока.

Оценивая степень объективности европейских и, в частности, российских исследователей, следует учитывать, что тот образ женщины, к которому они привыкли, был для них исходной позицией. А он несравним с образом мусульманской женщины, вся жизнь которой была ограничена как физической (паранджа, ичкари), так и духовной закрепощенностью. Тем не менее эти авторы не могли не замечать последствий русской миграции и ее роли в трансформации образа жизни коренного населения. Проникновение иной культуры все-таки пошатнуло житей-

¹ Д и в а е в А. А. Проводы невесты (обычай сартов города Чимкента) // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. 1885. Вып. IV; Г а в р и л о в М. Сартовская свадьба // Туркестанские ведомости. 1911. № 150; 1911. № 152; А н д р е е в Гр. За запретной стеной (рассказ из жизни ичкари) // Туркестанские ведомости. 1911. № 15, 1911. № 18, 1911. № 21; Ж е б р о в с к и й Калым // Туркестанские ведомости. 1898. № 84; Федоровский М. К. К вопросу о брачном праве у туземцев // Туркестанские ведомости. 1911. № 51; К р а у з е И. О косметических средствах, употребляемых туземными женщинами Туркестанского края // Туркестанские ведомости. 1871. № 47; О - ч е в . Женщина Туркестана по народным пословицам и поговоркам // Этнографическое обозрение. 1897. № 2.

² Н а л и в к и н В., Н а л и в к и н а М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. Казань, 1886.

кую сторону ислама и отсюда начался процесс, ставший уже в советское время основной тенденцией этого периода, которую следует назвать европеизацией, коснувшейся больше всего женщин.

Несколько приближены к гендерной постановке вопроса были представители национально-прогрессивного движения «джадидизм». Осознавая неравноправие мусульманской женщины, они предусматривали в своей концепции переустройства общества и решение женских проблем. Но это не было официально зафиксировано в специальном документе. Однако есть документы и воспоминания, которые свидетельствуют о том, что джадидская организация «Шурои-Исломия» первой поставила вопрос об участии мусульманской женщины в выборах в органы власти.

Известные участники этого движения М. Бехбудий, А. Фитрат, А. Авлоний, А. Чулпан и др. считали, что интеллектуальный уровень общества во многом зависит от того, в каком положении находится женщина. Они считали, что трансформацию общества нужно начинать в первую очередь с реформ в духовно-культурной и бытовой сферах, что включало в себя и изменение взглядов на место и роль женщины в жизни мусульманина³.

Их отношение к женскому вопросу тезисно можно выразить в следующем виде: женщине нужны знания не меньше, чем мужчине. От этого зависит, каким будет новое поколение, женщина достойна уважения, равноправие заключается в правильном разделении обязанностей в доме: муж – добытчик, жена – исполнитель домашних дел, воспитание детей – общее дело.

При всей своей продвинутости и увлечении культурой Запада они были далеки от того, чтобы выстраивать гендерные конструкции. Равноправие они рассматривали в узких рамках мусульманских форм семейного развития и даже не ставили вопроса о снятии паранджи (покрывала).

Даже А. Фитрат, написавший немало критических статей о мусульманском обществе Бухары, считавшийся самым продвинутым среди джадидов (его книга «Оила, ёки оила бошқариш тартиблари» (Семья и способы ее управления) была своего рода революцией в сознании мусульманского населения), ограничивался семейной эмансипацией женщины. Однако А. Фитрат взял на себя смелость утверждать, что хадисы

³ М. Б е х б у д и й . Ҳифзи сикҳати оила // Ойна. 1914. № 48-50; А. Ф и т р а т . Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Баку. 1915. Тошкент: Маънавият, 1998; А. А в л о н и й . Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

советуют брачующимся видеть и знакомиться друг с другом до свадьбы. Главным условием в этом вопросе А. Фитрат считал взаимные чувства, если их нет, то семья будет несчастна. Еще более несчастна, по его мнению, будет та женщина, которую выдают замуж без ее согласия, что было распространено в Туркестане⁴. Таким образом, А. Фитрат пытался поднять статус мусульманской женщины.

М. Бехбудий был еще смелее, когда впервые в Средней Азии поднял вопросы сексуального воспитания. Учитывая время написания статьи (1914), можно утверждать, что свободно рассуждать на подобные темы мог только очень решительный человек с широким кругозором и высокой степенью культуры⁵.

Тем не менее это не было гендерным равноправием: речи об участии женщин в общественном производстве, профессиональной и публичной сферах не было. И даже самая прогрессивная часть общества была далека от такой постановки вопроса. Тем более поражает воображение выступление на страницах газеты «Садон Туркистон» в 1914 г. Соры Музаффари, которая писала: «Вина в нас самих. У нас есть талант и способности. Сознание и мысль. В нас есть сила, способная управлять не то что домом, но и страной... Кто запретит нам проявлять это?»⁶.

Эта женщина (татарского происхождения) оказалась смелее самых прогрессивных мужчин, которые не могли и подумать об участии женщин в управлении. Это объяснимо. Религиозное общество конца XIX – начала XX в., где тон задавало, в основном, духовенство, имело огромное влияние на население, поэтому резкие перемены могли вызвать неадекватные последствия. И тем не менее позиция джадидов и теоретическое осознание необходимости гендерного равноправия в некоторых, прежде всего, в образовательной, бытовой и семейной сферах, были первым конструктивным шагом для вхождения женщин в общество.

Однако колониальные власти в Туркестане не придавали особого значения гендерным конструкциям и выработке своей женской политики, так как были озабочены проблемами безопасности власти и настороженно держались с духовенством. Основным приоритетом их политики было укрепление экономики Туркестана как сырьевой базы метрополии.

⁴ А. Ф и т р а т. Оила... 25-26-бетлар.

⁵ М. Б е х б у д и й. Ёшларга мурожаат // Ойна. 1914. № 12; Ўша муаллиф. Бизга ислох керак // Нажот. 1917 йил 7 ноябрь; Ўша муаллиф. Бизни кемирувчи иллатлар // Ойна. 1914. № 23.

⁶ Садон Туркистон. 1914. № 36.

«Женская политика» в советской историографии

Советская власть в отличие от прежней придавала особое значение раскрепощению мусульманок, что было одним из главных аспектов ее внутренней и внешней политики. Во-первых, женская часть населения рассматривалась как трудовые ресурсы, столь необходимые для развития народного хозяйства, и что очень важно – как дешевая рабочая сила. Все это подкреплялось идеологией равенства, которая показывала бы всему миру «уникальность» коммунистического опыта в достижении гендерного равноправия.

Советская власть преуспела, построив свою конструкцию внедрения восточной женщины в общество, закрепив это обширной законодательной базой. Но термин «гендер», так широко практикующийся на Западе, здесь не был востребован, более того, к нему относились с некоторой опаской, как к измышлению буржуазного общества. В Союзе речь шла об уравнивании юридических прав женщин и мужчин, основной целью было доказать способность женщин быть наравне с мужчиной в производственных достижениях. Причем совершенно не учитывались биофункциональные возможности женского пола.

Анализируя в целом историографию этого периода, постараемся ответить на поставленный вопрос «Существует ли женский образ в исторических конструкциях этого времени?». Известно, что самые крупные исторические труды по колониальной истории и истории советского периода не отличаются персонализмом. Здесь герои, в основном, апологеты марксистско-ленинской теории и представители борьбы с царскими властями, большевики, установившие советскую власть в Туркестане. Так, во втором томе (советский период) первого академического издания «История Узбекистана» (В 2-х т. 1957 г.) В. И. Ленин упоминается более 300 раз. И из 850 фамилий других персоналий, 99% которых – представители большевиков, всего лишь 87 фамилий женщин. В основном, это ударницы производства и культуры. Во втором томе 4-томного издания «История Узбекской ССР» (колониальный период) 1968 года 1000 фамилий, из них женщин всего 31. Среди них 10 женщин узбечек и среди последних – 3 известные поэтессы XVIII – XIX в. – Увайси, Нодирабегим, Анбар-отын и 2 участницы восстания 1916 г.

Это говорит само за себя. Если самое великое событие в истории советского периода – это революция 1917 г., то ясно, что женщины никакого участия в ней не принимали. Впрочем, вообще не принимало в нем участие коренное население и она была экспортирована большевиками в Центральную Азию.

Есть ли проблема гендера в советской истории? Можно ли ее назвать невидимой? Чтобы ответить на этот вопрос, рассмотрим проблему, согласно хронологическим периодам.

Ее становление было связано с социально-политическими преобразованиями в послеоктябрьский период. Решение проблем народного хозяйства и культуры в регионе во многом зависело от степени эмансипации женщин. Поэтому практические работники и первые исследователи вели поиск наиболее рациональных методов вовлечения женщин в экономику, общественно-политические и культурные процессы. В 20-е годы XX в. в историографии женского вопроса преобладали позитивные тенденции. Она отражала различные позиции и мнения в выработке форм и методов эмансипации женщин и отличалась критичностью и альтернативностью мнений⁷.

Утверждение командно-бюрократической системы управления страной, отсутствие демократических принципов оказали свое влияние и на женский вопрос. Руководство страны в середине 1930-х годов провозгласило его решенным, что далеко не соответствовало действительности и затормозило процесс внедрения женщин в общество на Советском Востоке. Обстановка максимального напряжения сил для «форсированного скачка, обеспечивающего в минимальный срок построение основ социализма», подчинила себе и подходы к решению женского вопроса, деформировав понятие о равноправии женщин. Оно стало рассматриваться не как равенство полов с предоставлением женщинам и особенно матерям дополнительных прав, а прежде всего как равенство женщин с мужчинами в труде, что имело свои негативные социальные последствия. Все это отразилось в литературе, основной целью которой стала восторженная популяризация трудовых успехов женщин-работниц при игнорировании существующих и не решенных проблем социально-экономического, бытового, психологического характера.

В 50-60-е годы XX в. накопление определенной документальной базы позволило историкам приступить к изучению этой проблемы. Од-

⁷ К а с п а р о в а В. Задача партии в области работы среди женщин восточных народностей // Коммунистка. 1925. № 7. С. 85-92; М о с к а л е в В. Узбечка. М., 1928; Ф о т е е в И. Женский труд в сельском хозяйстве Среднеазиатских республик // За партию. 1929. № 1-2. С. 61-72; Л ю б и м о в а С. О кооперировании женщин восточных народностей // Коммунистка. 1927. С. 52; К а р п о в Т. Раскрепощение женщины-туркменки // За партию. 1929. № 3-4. С. 8.; С е й ф и М. Женские кустарные промыслы на Советском Востоке // Вопросы труда. М., 1926; Г а в р и л о в Н. Ткацкое искусство узбекской женщины // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. № 1. С. 46-54.

нако в исследованиях упор, в основном, делался на достижения компартии в деле экономической и культурной эмансипации женщин.

70-80-е годы XX в. – период наиболее активного изучения истории решения женского вопроса в республиках Средней Азии. Позитивным было обогащение источниковой базы, выпуск ряда сборников документов.

Однако проблема рассматривалась исключительно в позитивном ракурсе, отсутствовал критический анализ негативных моментов в попытках решения женского вопроса, в частности, забвения в 1930-е годы традиционных и национальных особенностей развития народов Средней Азии и применения насильственных методов в ходе раскрепощения женщин⁸.

В этот период обществоведами было начато изучение современных им женских проблем, наметились тенденции реалистического подхода к оценке состояния женского труда и положения женщины в семье и быту, поиска наиболее рациональных путей использования женских трудовых ресурсов и преодоления консервативного мышления в этом отношении. Однако и в этой литературе все больше преобладали фактология, описательность, стремление приукрасить действительность. Многие специфические стороны женского вопроса в регионе оставались без внимания, не освещались такие острые проблемы, как тяжелый низкооплачиваемый труд женщин в хлопководстве, многодетность, неустроенность быта, особенно в сельской местности, неразвитость системы социальной защиты и т. д. Авторы были далеки от критического осмысления этих реальных фактов, а теория неизмеримо далека от практики и не соответствовала ей.

Перестройка 1980-х годов и начавшиеся процессы демократизации обнажили наиболее уязвимые точки проблемы, бывшие запретными для обсуждения в предыдущие годы. Главные достоинства публикаций этого периода являются: критическое осмысление положения женщин;

⁸ П а л ь в а н о в а Б. П. Борьба КПСС за вовлечение женщин Средней Азии в строительство социализма. Ташкент, 1962; Ш у к у р о в а Х. С. Исторический опыт Коммунистической партии Советского Союза в раскрепощении женщин Советского Востока (1917-1937 гг.). На примере Узбекистана. Ташкент, 1969; Т а т ы б е к о в а Ж. С. Исторический опыт раскрепощения женщин Востока и вовлечение их в строительство социализма (На примере Киргизской ССР). Ташкент, 1969; Н а б и е в а Р. А. Исторический опыт раскрепощения женщин Таджикистана и повышения их роли в строительстве социализма (1917-1937). Душанбе, 1975; Л о б а ч е в А. И. Деятельность профсоюзов республик Средней Азии по утверждению социального равенства женщин в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. Ташкент, 1988.

попытка выработки концептуально новых, рациональных методов решения наиболее острых вопросов, касающихся положения женщин. В литературе проявилось понимание необходимости отказа от стереотипов общественного сознания относительно второстепенности женского вопроса, от мнения, что приоритет семейных интересов женщины есть проявление мешанства⁹.

Актуальными проблемами в этот период были: трудовая незанятость женщин, освобождение их от «мужских» профессий, облегчение и сокращение женского труда в хлопководстве, улучшение социально-экономических условий жизни, разработка механизма социальной защиты, исследование вопросов о детской смертности, о самосожжениях женщин и др.

Таким образом, на протяжении семи десятилетий женский вопрос стоял в центре внимания общественных наук, но оценивался неоднозначно. Отступлений от заданной идеологии не было. Но он рассматривался гораздо шире, чем просто проблема гендера. Большей частью историография не отвечала реалиям. Исключение составляла литература 20-х годов XX в., особенно так называемого перестроечного периода, связанного с именем Горбачева, когда в республиках Центральной Азии начались процессы роста национального самосознания.

В целом ни один период не может сравниться с советским по количеству литературы о положении женщин. Она исчисляется тысячами изданий. И как бы мы критично не относились к ней, ее главное достоинство заключается в том, что, изучая ее, можно смоделировать образ женщин Центральной Азии в XX в. Ее характерной особенностью является сочетание элементов современной урбанизированной, европейской и традиционной восточной культур. Формирование этой модели происходило на фоне и в связи с модернизацией традиционного общества, которое началось в период колонизации и усилилось в постколониальный период.

⁹ Р а д ж а п о в а Р. Я. Исторический опыт «Худжума». Ташкент: Знание, 1987. С. 18; Я к у б о в А. Трагедия в кишлаке // Литературная газета. 1987, 19 августа; М е р г е н б а е в а Р. Агония // Собеседник. 1988. № 40. Сентябрь; О статье «Драматические женские судьбы» // Правда Востока. 1988, 27 января; В о л к о в М. Не хочу убивать // Правда. 1988. 7 февраля; М а х м у д о в а Д. В. В замкнутом круге // Правда Востока. 1988, 25 февраля; Т у р д и м у р а т о в И. Как погасить живые факелы // Правда Востока. 1989, 26 июля; Т у х т а б о в Х. Ота – оила таянчи // Саодат. 1989. № 8. 24-25-бетлар; Б о ш б е к о в Ш. Икбол тилайман // Совет Ўзбекистони. 1989 йил 8 март; Ж ен ц и н а в современном обществе // Правда Востока. 1990. 8 марта; Т а ш б а с е в а Т. К фактам самосожжения женщин в Кашкадарье // Социально-экономические проблемы Узбекистана в условиях перестройки. Ташкент: Фан, 1990. С. 111-117.

Этот процесс был обусловлен влиянием политических социально-экономических и культурных изменений на жизнедеятельность «слабой половины», которая по этим же причинам трансформировалась в сильную часть общества, способную вынести все тяготы жизни на своих плечах. С особенной отчетливостью это проявилось в переходный к XXI веку период, когда рушились привычные устои, идеология и в целом государство под названием СССР.

Вопросы гендера в Центральной Азии в условиях независимости

Обретение независимости республиками Средней Азии поставило перед новыми государствами задачу самим решать «женскую» проблему. Основными тенденциями этого решения были: новая законодательная база уже с учетом мирового опыта, преодоление осложнившихся противоречий в социальном положении женщин, переход к рыночной экономике и приспособление женской половины, как и мужской, к ее требованиям, усилившийся религиозный фактор, тянущий определенную часть населения к архаичным формам отношения к женщине, создание программ по преодолению насилия над женщинами. Это соответственно требует развития исследовательских программ в целом по женской проблематике и в частности – по гендерному вопросу. Гендерный анализ востребован и необходим для подкрепления теории строительства демократического общества.

С началом XXI в. публикации в сфере истории, экономики, философии и других общественных наук изобилуют женской тематикой. Проведено бесчисленное множество форумов, конференций, круглых столов по проблемам положения женщины и гендера. Однако слово «гендер» в них выглядит лишним элементом, так как эта та же оценка положения женщин без сравнительных критериев с положением мужчины. Создавалось впечатление, что многие не понимают, что гендер – это не женщина и ее проблемы, а проблемы различия противоположного пола.

Появились в этой области и социологические исследования, которые были весьма актуальны и полезны, но одни носили локальный характер, другие касались отдельных сфер. Но самое главное в них – отсутствие гендерного анализа. Изучая литературу 90-х годов, можно сделать выводы о положении женщин, например в Узбекистане, но нельзя узнать те же показатели, касающиеся мужчин.

Однако после принятия Пекинской декларации платформы действий на IV и V Всемирных конференциях женщин в 1995 г. и 2005 г. дело изучения гендера и его понимание сдвинулось с мертвой точки.

Следует отдать должное и международным организациям, фондам, которые фактически «открыли глаза» среднеазиатским исследователям

на вопросы изучения гендера, методологию и теорию проблемы: многочисленные тренинги, семинары и конференции, проводимые ими, в частности, UNDP – Программой развития ООН, способствовали консолидации специалистов по данной теме.

В течение последнего десятилетия в странах Центральной Азии, в частности в Узбекистане, появились исследования, заслуживающие внимания. В докладах на проведенных Центром социологических исследований «Ижтимоий фикр», Женским ресурсным центром, Республиканским комитетом женщин при посредстве международных организаций анализировались понятийные вопросы гендера, методология изучения, проблемы гендера в контексте образования, профессиональной карьеры, социальной жизни, культуры, семьи и т. д.¹⁰

Важно, что появились статистические сборники по различным аспектам гендера¹¹. Особо следует отметить монографию «Введение в теорию и практику гендерных отношений», изданную при содействии UNDP и Гендерной программой посольства Швейцарии, в которой даны основные положения гендерной теории, что очень важно для начинающих специалистов, сведения о формах и методах гендерных исследований в области экономики, права, управления и культуры¹².

Немаловажно и то, что в числе авторов этой книги и ученые из Узбекистана. Это является свидетельством формирования национальной школы гендерных исследований. Однако в истории и в других общественных науках по-прежнему мало женских лиц, практически нет гендерных ретроспективных исследований. Возможно, это связано с трудностью поиска архивных материалов, по которым очень проблематично провести сравнительный анализ положения мужчин и женщин. Разработка такой темы очень важна и для настоящего и для будущего, так

¹⁰ Тўхтажоева М. Гендер тенглиги соҳасида жамотчилик фикрини шакллантириш // Gender equality in Uzbekistan: status and development perspectives. Conference materials. Tashkent, 2000. P. 79-86: Социально-экономические условия жизни сельских женщин Узбекистана // Social and economic conditions of women in rural areas of Uzbekistan). Ташкент, 2001; Женщина: ее права и свободы. Ташкент, 2001; Хамраева Ш. Ўзбекистонда гендер тенглик ва трафик масалалари. Тошкент, 2002; Республика Узбекистан: достижения, цели развития тысячелетия в свете национальной платформы действия по улучшению положения женщин. Ташкент, 2005; Доклад по целям развития тысячелетия. Ташкент: Узбекистан, 2006; Шакирова С. Основы гендерного образования (Тренинг). Ташкент, 2006; Аёллар – жамият маданият тараққиётида // Халқаро семинар материаллари. Тошкент, 2006.

¹¹ Гендерное равноправие в Узбекистане: факты и цифры. 2000-2004 (Статистика). Ташкент, 2005.

¹² Введение в теорию и практику гендерных отношений. Ташкент, 2007.

как прошлое объясняет очень многое, в частности, статус двух полов и причины его изменения.

Д. Алимова

**Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тузилмаси мавжудми
(мустамлака, совет ва ҳозирги замон)?**

Мақолада Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тадқиқотларининг генезиси ва эволюцияси уч хронологик босқичда: мустамлака, совет ва мустақиллик даври давомида таҳлил қилинган. Муаллиф тарихшунослик таҳлили асосида турли давр адабиётларида «аёл қиёфаси»нинг ўзгариб боришини тавсифлайди.

D. Alimova

**Are there gender designs in a historiography of the central asia
(colonial, soviet and modern)?**

In the article the analysis of genesis and evolution of gender researches in Central Asian historiographies is carried out during three chronological stages – Colonial, Soviet and post Soviet. The author based on the carried out historiographic analysis characterizes change of «image of the woman» in works of the various periods.

Этнология масалалари

М. Пайзиева

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЎЗБЕКЛАРИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДА ЖАМОА АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Тарихдан маълумки, қадим-қадимдан Шарқда жамоага асосий эътибор берилган. Жамият ҳаётида ўтказиладиган ҳар бир тадбир, урф-одат, маросим жамоа, маҳалла аҳли иштирокида ўтказилади. Жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоа – инсон таракқиётининг дастлабки уюшмасидир.

Оила-жамоа муносабатларининг ўзаро алоқаси туфайли кишилар ўртасида ўзаро этник муносабатларда муштарак иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқалар пайдо бўлган¹.

Ўзбек жамоавий ҳаёт тарзи ва унинг оилавий маросимларда туганган ўрни масалаларини педагогика, психология, фалсафа, диншунослик каби бир қатор фанлар билан биргаликда этнология фани ҳам этномаданий аънаналар ва маданий қадриятларни аждодлардан-авлодларга етказувчи соҳа сифатида ўрганиб келмоқда².

Агар жамоа масаласига умумий нуқтаи назардан ёндашсак, жамоа – бу табиий, қон-қариндошлик алоқалари асосида вужудга келган кишиларнинг дастлабки ижтимоий уюшмаси шаклидир. Бундай жамоа кишиларнинг ҳаётий зарурият туфайли ўзаро бирлашуви бўлиб, унга нисбатан узок тарихий босқичлардан ўтиб келган, маълум бир жойга ҳос бўлган кишилар гуруҳи сифатида тушуниш мумкин. Чунки унинг аъзолари маълум ҳудудда яшайдилар³.

Маҳалла Ўзбекистон аҳолисининг дастлабки ижтимоий, ҳудудий уюшмаси сифатида тарихан қадимги уруғ-жамоа давридан, кейинчалик зардуштийлик даврининг патриархал уруғ жамоаси – агнатларига, ундан

¹ Ко с в е н М. О. Семейная община и патронимия. М., 1963. С. 7.

² Л о б а ч е в а Н. П. Значение общины в жизни семьи узбеков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989. С. 41-53.; Б ў р и е в О., Ш о й м а р д о н о в И., Н а с р и д д и н о в Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Тошкент: Фан, 1995; Ж а б б о р о в И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, 1994; Ўша муаллиф. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, 2003.

³ Х а к л и е в В. Сельская община в Северной Фергане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. Ташкент, 1998. С. 9.

сўнг илк ўрта асрлардан «наф» кўни-кўшничилик бирлашмасига, сўнг-ра ривожланган ўрта асрлардаги махалла (квартал) жамоаларига ўсиб ўтган⁴.

Жамоанинг анъанавий фаолияти тўрт соҳада: хўжалик, диний маросим, ижтимоий-маиший соҳаларда намоён бўлган⁵.

Ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиклик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир.

Оилавий маросимларнинг, хусусан, мотам маросимларининг урф-одатларини бажарувчиларни белгилаб олиш шуни кўрсатадики, махалла хозиргача оила ҳаётида қатта аҳамиятга эга.

Инсон вафотидан сўнг ўтказиладиган дафн ва хотирлаш маросимларида жамоавий институтлар – махалла, қариндош-уруғлар, ҳамкасбларнинг ўрни қатта аҳамиятга эга. Маросим ҳаракатлари орқали турли эътиқодлар намоён бўлса, ким томонидан бажарилиши ушбу жамоанинг тузилиши ва унинг қайси қисми оила ҳаётига таъсир этишини билиш мумкин⁶. Минтақа халқларига хос жамоавий анъаналари ҳақида этнографик тадқиқотларда кўпгина маълумотлар мавжуд бўлса-да⁷, лекин айнан дафн ва хотирлаш маросимларида уларнинг тутган ўрни борасидаги масалалар етарли даражада ўз аксини топмаган.

Оилавий маросимлар туркумига кирувчи бошқа маросимлар сингари мотам маросимларини ҳам махалла жамоасининг фаол иштирокисиз

⁴ Ф и л а н о в и ч М. И. О некоторых аспектах истории общины в древности и происхождении «махалла» // Ўзбекистон тарихи. 2003. № 2. С. 34.

⁵ О р и ф х о н о в а З. Х. Махалланинг моҳияти ва вазифалари (Тошкент махаллалари 30-80-йилларда) // Тошкент махаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 28-бет.

⁶ Л о б а ч е в а Н. П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья. Традиции и современность. М., 1990. С. 29.

⁷ Ж д а н к о Т. А., Л о б а ч е в а Н. П. Семья у народов Средней Азии и Казахстана // Семейный быт народов СССР. М., 1990; Т а ш б а е в а Т. Х., С а в у р о в М. Д. Новос и традиционное в быту сельской семьи узбеков. Ташкент, 1989; С н е с а р е в Г. П. О некоторых причинах сохранения религиозно-бытовых пережитков у узбеков Хорезма // СЭ. 1957. № 2; Материалы о первобытных пережитках в обычаях и обрядах узбеков Хорезма // Материалы Хорезмской экспедиции. 1960. Вып 4; Д ж а б б а р о в И. Общественный прогресс, быт и религия. Ташкент, 1973; Л о б а ч е в а Н. П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья. Традиции и современность. М., 1990; Б ў р и е в О., Ш о й м а р д о н о в И., Н а с р и д д и н о в Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; О р и ф х о н о в а З. Х. Махалланинг моҳияти ва вазифалари (Тошкент махаллалари 30-80-йилларда) // Тошкент махаллалари: анъаналар ва замонавийлик Тошкент, 2002.

тасаввур этиб бўлмайди. Бу иштирок кенг жамоавий ёрдамга асосланади ва бу унинг жамиятдаги ўрнини белгилайди. Ахволи оғирлашган беморга қариндошлар, қўшнилар томонидан катта эътибор берилган, улар бемор ҳолидан ҳар куни хабар олганлар. Шаҳарнинг маҳалла жамоасига хос яқинлик киши бетоб бўлиб ётганда, ундан хабар олиб туришда, айниқса, ўлим тўшагида ётган кишилардан ҳол-аҳвол сўраб, кўнглини кўтаришда намоён бўлади. Маҳалла аҳли, қўни-қўшнилар азадор хонадон аъзоларидан кўнгили сўрашни бурч деб билганлар. Мотам маросими жамоанинг ҳаёт тарзини акс эттирган, одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибатни, жамоа аъзоларининг муштарак мулоқотини таъминлаган⁸.

Жамоа анъаналарида қўни-қўшничиликдан ташқари, қариндош-уруғлар гуруҳи мавжуд бўлиб, бу гуруҳ мотам маросимлари ўтказишда ҳам алоҳида ўринга эга. Қариндош-уруғчилик алоқалари муҳим ҳаётий ресурслардан биридир. Ҳаётий даврнинг ҳар бир босқичини ушбу ресурсларсиз ўтказиб бўлмайди. Марказий Осиё халқларида, жумладан, ўзбекларда жамоа анъаналарининг тарихан таркиб топган кўринишлари, хусусан, маросимларни ўтказишда қон-қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасида ўзаро алоқалар жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни қай даражада эканлигини кўрсатади⁹.

Дафн ва хотирлаш маросимларини ўтказишда маҳалла қўмиталари, оқсоқолларнинг хизмати ҳам катта. О. А. Соловьёва «Анъанавий ўзбек жамиятининг бошланғич ижтимоий бўғини жамоа оқсоқоли ўз вақтида давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакили ва оддий халқ ўртасидаги асосий воситачидир» деб қайд этади¹⁰. Марҳум хонадонда маҳалла оқсоқоллари, қариндошлар йиғилишиб, дафн маросимига тайёргарлик кўришни маслаҳатлашиб олганлар ва жаноза вақтини белгилаганлар.

Оила ва жамоа муносабатлари нафақат жамоа аъзоларининг оилавий маросимларидаги иштирокида, балки уни ташкил қилиш, ўтказиш тартибида ҳам намоён бўлади¹¹. Мотам маросимларида марҳумнинг оила аъзолари дафн маросимини ташкил қилишда ва тайёрлашда иштирок этмайди. Улар майит олдида йиғлаб ўтирганлар ва таъзияга келганларни кутиб олганлар. Маросим кунлари марҳумнинг оила аъзоларини

⁸ Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. М.: Наука, 1976. С. 30.

⁹ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: Мерос, 1996. 17-бет.

¹⁰ Соловьёва О. А. Лики власти благородной Бухары. СПб., 1998. С. 74.

¹¹ Лобачева Н. П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья. Традиции и современность. С 31.

якин қариндошлари, маҳалла, қўни-қўшнилар, ҳамкасблари уларни бардошли бўлишга чақириб, руҳан мадад бериб турганлар.

Тошкент шаҳрининг барча маҳаллаларида «тўй ва дафн маросимларини ўтказиш кўмиталари» мавжуд бўлиб, ушбу кўмита аъзолари кўчабошилар билан биргаликда марҳум оила аъзоларига катта ёрдам берадилар. Жаноза вақти белгиланиб, маҳалла аҳлини хабардор қилиш, шифохонадан, ФХДЁ бўлиmidан маълумот олиш, ювғичига, қабристонга, масжидга бориш учун масъул кишилар белгиланган.

Жамоа анъаналаридан бири шундан иборатки, маҳаллаларда дафн ва хотирлаш маросимларида марҳум қариндошлари, оила аъзолари бевозта бўлмасликлари учун дастурхончи хизмат қилган. Бу маълум маънода азадорларни моддий асосдаги қўллаб-қувватлашга асосланган ижтимоий кўмакни аниқлаб, бундай эҳтиёж кишиларни дафн маросимларида ўзаро бир-бирига яқинлаштирган. Жамоодаги муҳит нафақат эркакларнинг маълум вазифа ва функцияларини характерлайди, балки аёлларнинг жамоа орасидаги ўрнини ҳам яққол намоён этади.

Мотам маросимлари таркибига кирувчи эҳсон, амримаъруф каби маросимларни ўтказишда марҳум оиласига қўни-қўшнилар, дўстлари кўмак берадилар. Катта ош арафасида «сабзи тўғраш» маросими ўтказилиб, унда фақат эркаклар қатнашадилар. Маҳаллада маросимий ҳаётда қатнашиш ўзаро мулоқотнинг асосий формасини ташкил қилади. Аёлларнинг бу маросимларда қатнашиши ўтмишда аксарият ҳолларда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ягона иштироки бўлган.

Одатда, қўни-қўшниларнинг ўзаро олди-бердиси ижтимоий зарурат туфайли азадор хонадон идиш-товок, кўрпа-тўшак ёки бошқа жиҳозларга эҳтиёж сезганда зарурат учун амалга оширилган. Бошқа ҳолларда азадор хонадон ўз моддий муаммоларини ўзи ҳал қилган.

Инсонга энг оғир лаҳзаларида керак бўладиган ана шундай илтифотларни аجدодларимиз асрлар давомида сидқидилдан бажариб келган¹².

Ҳақгўйлик, самимийлик, беғаразлик асосига қурилган меҳр-оқибат, ҳурматга асосланган қўни-қўшничилик ва маҳалла-қўйчилик ўзбек халқига хос бўлган қадимий фазилатлардан биридир. Биргина «Тобуткашимиз» деган сўз ҳар қандай қайсар одамни ҳам қаҳру ғазабдан, ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтарган ва қўнглига меҳру муруватни олиб кирган¹³. Халқимиз азалдан қўни-қўшничилик ва маҳалла-қўйчилик урф-

¹² Ниёзмуродов М., Алиев М. Янги анъаналар ҳаётга. Тошкент, 1987. 56-бет.

¹³ Ҳасанов А. Маҳалла – миллий қадрият / Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши. Тошкент, 2001. 19-бет.

одатлари ва анъанасини бағоят эъзозлаган, уни авлоддан-авлодга ўтказиб, тобора бойитиб борган.

Ҳозирги кунда шаҳарнинг аксарият маҳаллаларида доимо кафанлик учун бир тўп сурп, тобут устига ёпиш учун аёлларга паранжи, мурсак, малламато, эркакларга чопон кабилар сақланади. Бу эса жамиятда муайян тартиб қоидага асосланган ижтимоий муносабатлар ифодаси бўлиб хизмат қилади¹⁴. Ушбу анжомлардан зарурат бўлган пайтда маҳалла аҳолиси фойдаланади¹⁵. Ёлғиз қариялар, иқтисодий қийинчиликларни бошидан ўтказётган оилаларга моддий ёрдам сифатида маҳалла фондидан ғассол ва гўрков учун ҳақ, кафанлик мато ҳам берилади¹⁶. Лекин маҳалла жамоасидан берилган ёрдам доимо ҳам қилинган харажатларни тўлиқ қопламаган. Мотам маросимларини дабдабали ўтказишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд бўлиб, оиланинг моддий аҳволига катта зарар етиши мумкин бўлган¹⁷.

Дафн ва таъзия маросимларини ўтказишда жуда қадимдан мавжуд бўлган эркаклар ва аёлларнинг анъанавий йиғинлари алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекларнинг ижтимоий турмушида энг қадимий ўзига хос удумлардан ёшига қараб гуруҳларга бўлиниш – болалик, ўспиринлик, балоғат ёши ва қариллик бўлиб, у билан боғлиқ турли урф-одат ва маросимлар ҳозиргача сақланиб қолган¹⁸. Анъанавий йиғинлар ёш гуруҳларига қараб ташкил этилган. С. П. Толстов ва Г. П. Снесарев мазкур уюшмаларни анъанавий жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири деб таърифлаб, уларнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтганлар¹⁹. Ҳозир тенгқурлар ҳар доим ҳам анъанавий йиғинларга бирлашмасалар ҳам мотам маросимларини ўтказишда бир-бирларидан кўмаklarини аямайдилар²⁰.

¹⁴ Жа б б о р о в И. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, 2003. 68-бет.

¹⁵ Дала ёзувлари. Тошкент шаҳар маҳаллалари: Баҳор, Самарқанд дарвоза, Олимлар шаҳарчаси, Ш. Бурхонов маҳалласи. 2000-2005 йиллар.

¹⁶ Дала ёзувлари. Дўрмон маҳалласи. 2004 йил.

¹⁷ С у х а р е в а О. А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. М., 1976. С. 39; Л о б а ч е в а Н. П. Общественная и семейная обрядность народов Средней Азии и Казахстана. Вторая половина XX в. (Этнографический аспект) // Расы и народы. М., 2001. С. 194.

¹⁸ Жа б б о р о в И. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, 2003. 70-бет.

¹⁹ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 315-317; С н е с а р е в Г. П. Традиция мужских союзов в её позднейшем варианте у народов Средней Азии // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1968 годах. Вып. 7. М., 1968. С. 115-205.

²⁰ Дала ёзувлари. Тошкент шаҳри Самарқанд дарвоза маҳалласи. 2003 йил.

Анъанавий йиғин аъзолари ўз ўртоқларининг хонадонидида кимдир вафот этса ҳам таъзия билдириб, бир қатор миллий ва диний маросимларни биргаликда ўтказадилар²¹. Шу билан бирга мархум оиласи аъзоларига моддий ёрдам кўрсатадилар²². Бу каби муносабатлар нафақат Тошкентда, балки Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида ҳам сақланиб қолган²³.

Қадимий ижтимоий институтлардан яна бири бу – қон-қариндошлик гуруҳларидир. Қариндош-уруғчилик бугунги кунгача маълум ўзгаришларга учраса-да, мавжуд. Илгари бу гуруҳ ўзида 10-15 қариндош оилаларни бирлаштириб, 3-5 авлод вакилларида иборат бўлган ва авлодларининг бирини номи билан аталган²⁴. Улар доимо бир-бирига яқин яшашга ҳаракат қилишган. Бугунги кунга келиб, қариндош-уруғлар гуруҳининг сони кескин қисқарган. Қариндош-уруғлар гуруҳига асосан ака-ука, опа-сингиллар оиласи киради. Бу гуруҳ аъзолари нафақат мотам маросимларини ташкил қилишда, балки уларни ўтказиш учун моддий ёрдам ҳам кўрсатадилар.

Дафн ва таъзия маросимларининг ижтимоий характери жамоа аъзолари фаол иштироки билан ўтиши жамоа аъзоларини бурчи ва вазифаларини англаб олишга, уларда ўзаро масъулият хиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларда маҳалла анъаналарининг тарихан таркиб топган кўринишлари хусусан, маросимларни ўтказишда қон-қариндошлар, қўни-қўшнилар, ҳамкасабалар ўртасидаги ўзаро алоқалар жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни қай даражада эканлигини кўрсатади.

Дафн ва хотирлаш маросимларида мархум ишлаган, фаолият юргизган меҳнат жамоаси ҳамда мархум фарзандларининг меҳнат жамоалари ҳам четда қолмаслигини кўраимиз. Бунда, ўша жамоа раҳбарияти, касаба уюшмаларидан вакиллар бориб, дафн ва таъзия маросимларида иштирок этадилар, бошига мусибат тушган оилани иложи борича ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, жамоа ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади, газеталарда таъзияномалар берилади²⁵.

²¹ О р и ф х о н о в а З. Х. Ҳозирги даврда Тошкент шаҳридаги эркаклар ва аёллар анъанавий йиғинлари / Ўзбекистон тарихи. 2001. № 1, 74-бет.; Л о б а ч е в а Н. П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья. Традиции и современность. С. 45.

²² Дала ёзувлари. Ш. Бурхонов маҳалласи. 2003 йил.

²³ Л о б а ч е в а Н. П. Социальные институты древности в жизни современной семьи народов Средней Азии // Семья. Традиции и современность. С 31.

²⁴ Там же. С 47.

²⁵ Н а с р и д д и н о в Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари... 116-бет.

Маҳалладаги мавжуд урф-одатлар ва маросимлар ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бутун оила ва жамоа турмушига таъсир этадиган ижтимоий ҳодиса саналган. Жамоатчилик анъаналарига кўра, одамлар ўлим ҳақида эшитганда ўлим ҳақ, у ҳамманинг бошида бор нарса, деб тушунишган.

Киши ўлими билан боғлиқ урф-одатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ўз моҳиятига кўра, диний маросимлар ҳам жамоада тарихан шаклланган анъаналарни давом эттирувчи восита эканлигини англатади. Жамоа аъзосининг зиммасида биродари вафот этганда ҳамдардлик билдириш, жанозада қатнашиш, уни сўнгги йўлга кузатиш, марҳум қариндошларига маънавий ҳамда моддий кўмак бериш ҳам қарз ҳам фарз, деб қаралган.

Вафот этган кишини иззат-ҳурмат билан дафн қилиш ва бундай маросимда қариндош-уруғлар ва маҳалладошлар, ҳамкасбларнинг фаол қатнашуви ўзбек халқининг энг инсоний анъаналаридан биридир.

Албатта, айрим этник гуруҳларгина эмас, ҳатто, ҳар бир маҳалла ҳам анъанавий дафн маросимининг ўзига хос элементларига эга бўлиши мумкин.

Айниқса, жамоатчилик муносабатлари жамоавийлик ва бирлик туйғуларини, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик урф-одатларини ҳаётга сингдириб, миллий жипсликни мустаҳкамлашга муҳим омил бўлиб келмоқда. Ҳозиргача жамоавийлик ва кўни-кўшничилик анъаналари янги, замонавий руҳда анча такомиллашиб, оилавий-маиший муносабатларни мустаҳкамлаб, барча маъракаларда ҳамдард ва ҳамсоя бўлиб, ўзаро ёрдам бериб кўллаб-қувватлашда катта хизмат қилиб келмоқда²⁶. Дафн маросимининг кенг жамоага асосланганлиги оила ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан унинг моҳияти, жамиятдаги кишилар ўртасидаги муносабатлар характерини очишга имкон беради²⁷.

Тошкент шаҳри ўзбекларининг дафн ва таъзия маросимларида жамоа анъаналарининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шунингдек, халқ турмуш тарзида маълум этнохудудий хусусиятлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бунга кўра:

– инсон вафоти маълум худудда яшаган қон-қариндош, яқин кўни-кўшничилик муносабатлари, унга алоқадор кишилар билан анъанавий жамоа жипслаштирувчи омиллар билан изоҳланади;

– жаноза, марҳумни дафн этиш, хотирлаш маросимларидаги урф-одатлар, удумлар, анъаналар кишиларни бир-бири билан ўзаро

²⁶ Ж а б б о р о в И. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, 2003. 72-бет.

²⁷ Л о б а ч ё в а Н. П. Общественная и семейная обрядность народов Средней Азии и Казахстана. Вторая половина XX века. (Этнографический аспект) // Расы и народы. С. 182.

боғлиқлиги, уларнинг маълум жамоага бирлашиш анъаналарига амал қилиш зарур эканлиги билан белгиланади;

– маҳалла, жамоа томонидан марҳум оиласига кўмаклашиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кишилар ўртасида маълум ихтиёрликка асосланган тарзда вужудга келган.

Маҳалладаги мавжуд урф-одатлар ва маросимлар ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим роль ўйнаб, бутун оила ва жамоа турмушига таъсир этадиган ижтимоий ҳодисадир.

М. Пайзиева

Роль общинных традиций в семейных обрядах узбеков Ташкента

Изучены роль и значение махалли соседской общины, а также различных социальных институтов в организации и проведении похоронно-поминальных обрядов узбеков Ташкента. Показано, что народные традиции по оказанию моральной и материальной помощи родственникам покойного являются частью духовной культуры узбеков.

M. Payziyeva

The Role of Communal Traditions in the domestic Rituals of Tashkent Uzbeks

The paper is focused on the role and importance of mahallya, neighbor community and various social institutes in the organizing of funeral rituals of Tashkent Uzbeks. It is shown that these traditions of moral and material support for relatives of the deceased is a part of spiritual culture of Uzbeks.

Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

АКАДЕМИК ЯХЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ» СЕМИНАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти қошида фаолият олиб бораётган академик Яхё Ғуломов номидаги илмий семинарнинг ўтган 10 йил мобайнида 50 та йиғилиши бўлиб ўтди. Ўтказилган анжуманларда мамлакатимиз ва хорижий илмий муассасаларида Марказий Осиё минтақаси тарихи бўйича тадқиқотлар олиб бораётган йирик мутахассислар томонидан Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари, минтақамизда кечган тарихий жараёнлар таҳлили, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги, ўзбек халқи этногенези, этник тарихи, мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари ва ушбу шаҳарларнинг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни, бой маданиятимиз ва миллий қадриятларимиз тарихига бағишланган ранг-баранг мавзуларда илмий маърузалар қилинди. Семинар мажлисларининг асосий қисми вилоятлардаги олий ўқув юртлари базаларида улар билан ҳамкорликда бўлиб ўтмоқда.

Ушбу семинарнинг «*Академик Яхё Ғуломовнинг тарих фани ривожидан тўтган ўрни*» мавзусидаги 50-йиғилиши 2008 йил 1 майда археология фанининг дарғаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Яхё Ғуломовнинг 100 йиллик юбилейига бағишланди.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтларнинг олимлари, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, олимнинг яқинлари, издош дўстлари, шогирдлари ва тарихчи олимлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлислар залида бўлиб ўтган семинарнинг бу йиғилиши ЎзР ФА президенти, академик Ш. Салихов кириш сўзи билан очилди. Олимнинг яқинлари, дўстлари, шогирдлари ва анжуман иштирокчилари ўз чиқишларида академик Яхё Ғуломовнинг Ўзбекистон археология ва тарих фани тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси, инсонийлик сифатлари ҳақида сўзладилар.

ЎзР ФА Тарих институти директори, профессор Д. Алимова ўзининг нутқида академик Яхё Ғуломовнинг фанимиз тараққиётидаги буюк хизматлари алоҳида эътироф этилганлигини таъкидлаб, ҳукуратимиз томонидан «Буюк хизматлари учун» номли юксак унвон билан тақдирланганлиги ва Яхё Ғуломовнинг илмий мактаби унинг издошлари ва шогирдлари томонидан давом эттириляётганлиги хусусида алоҳида тўхталди.

Илмий анжуманнинг ялпи йиғилишида Археология институти директори Ш. Пидаев, академик Ю. Ф. Буряков, М. И. Филановичларнинг маърузаларида академик Яхё Ғуломовнинг илмий мероси, Марказий Осиё цивилизацияси ва шаҳарсозлик маданиятини ўрганишга қўшган ҳиссаси ҳамда у асос солган Ўз-

бекистон археология фанининг мустақиллик йилларидаги ривож, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, янги илмий натижалар эълон қилинди.

Академик Яҳё Фуломовнинг ҳаёт йўли, устознинг инсоний хислатлари, ўзига хос илмий мактабининг катта салоҳияти тўғрисида сўзга чиққан профессор Х. Зиёев, академик А. Муҳаммаджонов, академик А. Асқаров, академик Ў. Исломов, академик А. Қаюмов, профессор М. Исҳоқовлар каби олимнинг издошлари, ҳамкасб ва шогирдлари томонидан хотирланди.

Анжуманда шўъбалар йиғилишлари ташкил қилиниб, бунда қилинган маърузаларда Ўзбекистон тарихини ёритишда археологик материаллар: янги илмий натижалар ва муаммолар, Марказий Осиё тарихини ўрганишда қўлёзма манбаларнинг тутган ўрни, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик анъаналарининг шаклланиши ва тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, Марказий Осиёда кечган этномаданий жараёнлар мавзулари қамраб олинди.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг профессори Д. А. Юсупова «Марказий Осиёнинг ўрта асрлар даври тарихий манбаларида давлатчилик масалаларига оид маълумотлар», профессор А. Хўжаевнинг «Хитой манбаларида эфталийларнинг этник келиб чиқишига оид маълумотлар» мавзусидаги, т. ф. н. О. Бўриевнинг «Марказий Осиёнинг Амир Темур салтанатидаги маъмурий-худудий мақоми (ёзма манбалар таҳлили)» мавзусидаги маърузасида Марказий Осиёнинг XIV асрдаги маъмурий-худудий ҳолатида мўғуллар бошқаруви тизими анъанасининг тугагани ва Амир Темурнинг ўз давлатчилик сиёсати асосида тузган маъмурий-худудий тизими ёзма манбаларда кузатилиши тўғрисидаги масалаларга тўхталиб ўтилди. Ёш олимлардан т. ф. н. Ф. Бобоёровнинг «Ғарбий турк ҳоконлиги шаклланишининг нумизматик материалларда акс этиши» мавзусида ва ЎЗР ФА Тарих институтининг катта илмий ходими т. ф. н. А. Отахўжаевнинг «Илк ўрта асрларда туркий ва сугдий давлатчилик анъаналарининг ўзаро таъсири» каби янги маълумотларга асосланган маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди, савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Академик Яҳё Фуломовнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган семинар якунида хулосалар фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Академик Яҳё Фуломов номи билан аталган «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи» семинари истиқлол йилларида ўзбек тарихчилари жамоасини бирлаштирувчи йирик илмий анжуманга айланди. Шунингдек, бу семинар академик муассаса ва олий таълим тизими муштараклигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур семинар йиғилишларида тарихчилар ва археологларнинг илмий тадқиқотларини энг сўнгги натижалари илмий жамоатчилик эътиборига хавола қилинмоқда. Бугунги кунда ушбу семинар республикамиз миқёсида энг нуфузли илмий семинарлардан бирига айланган бўлиб, бу семинарнинг ташкилий фаолияти нафақат ижтимоий фанлар вакиллари, балки аниқ ва табиий фанлар соҳасида ўтказиладиган семинарлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Г. Фаниева

Муаллифлар хақида маълумот

А. Ҳакимов – ЎзР Бадий академияси санъатшунослик институти етакчи илмий ходими, санъатшунослик ф.д., академик.

Ю. Буряков – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., академик.

А. Асқаров – Низомий номли ТДПУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, т.ф.д., академик.

Г. Богомолов – ЎзР ФА Археология институти катта илмий ходими, т.ф.н.

С. Давлатова – ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими, т.ф.н.

К. Пардаев – ТДТУ «Фалсафа» кафедраси доценти, т.ф.н.

Д. Алимова – ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д., профессор.

М. Пайзиева – ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими, т.ф.н.

Г. Ғаниева – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.



